O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... PALATASI
INV.№

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2009-yil, 16-oktyabr • № 42 (4025)

КОШҒАРИЙДАН ҚОЛГАН ТИЛ САДОЛАРИ

Она тилимизга давлат тили мақоми берилганига 20 йил бўлди

Ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтадиган бўлсак, сўз, яъни тил — инсонийликнинг бош фазилати. Унда муайян халқ, миллатнинг руҳи, бутунлиги намоён, орзу-умидлари мужассам бўлади. Тилнинг ривожи — миллат ривожи, тилнинг бирлиги — миллат бирлиги демакдир.

Узоқ ўтмишдан то бугунга қадар она тилимиз не юксалишу эврилишларни кўрмади дейсиз?! Аввало қадим битиктошларда, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб асарларида жилва қилган сўзимиз дурдоналари кейинчалик Мавлоно Лутфий, ҳазрат Навоий, Мирзо Бобур ва Огаҳий сингари буюк истеъдод эгаларининг ижоди орқали ўзининг бетакрор гўзаллиги, тенгсиз кучқудратини намоён этди. Она тилимизда яратилган бебаҳо санъат асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилиниб, турли эл ва элатлар орасида севиб ўқилмоқдаки, бу халқимизнинг юксак яратувчилик даҳосидан далолат ҳам, десак янглишмаган бўламиз.

Жаннатмонанд юртимиз зебу зийнатлари, ер ости ва ер усти бойликларига кўз олайтирган бошқинчи мустабидлар халқимизнинг абадиятга дахлдор хотираси, маърифати, маданияти ва тилига хуруж қилгани эса узоқни кўзлаб амалга оширилган сиёсат маҳсули эди. Яқин ўтмишга назар ташласак, ёрқин тарихимиз, ўлмас қадриятларимиз сингари она тилимиз ҳам беқадр қилингани, турли чеклов ва тазйиқларга учраганига гувоҳи бўламиз. Шўролар даврида Ўзбекистонда давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги ёзишмаларда, катта-кичик йиғин ва машваратларда ўзбек тили деярли қўлланилмас эди. Ўзаро мулоқотларда ҳам ўзбек тилида гаплашиш «қолоқлик» белгиси сифатида қараларди. Ахир, инсон учун бундан ҳам ортиқ хўрлик бўлиши мумкинми?..

Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида юртимизда тарихий адолатни қарор топтириш борасида бошланган эзгу ҳаракатлар ибтидосида она тилимизнинг қадди-бастини тиклаш масаласи долзарб қилиб қўйилди. Айтиш жоизки, 1989 йилнинг 21 октябрида, ҳали собиқ иттифоқ ҳукмронлиги барҳам топмаган бир пайтда ўзбек тилига «давлат тили» мақоми берилгани Юртбошимиз ва халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунаси эди. Бу жасорат, ҳеч шубҳасиз, мустақиллик сари қўйилган илк дадил қадам бўлганини бугун яхши англаймиз.

Тан олиш керакки, бугунги тезкор асрда миллатнинг дунёга танилиши, нуфузи ортиши бевосита унинг спорт, санъат ва табиийки, она тилига бўлган муносабати билан ҳам белгиланмоқда. Модомики, биз Ўзбекистонимизни оламга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи бўлсак, қонун билан шаҳодатлаб берилган тилимизнинг — «Кошғарийдан қолган тил садолари»нинг бемисл имкониятлари, гўзалликлари, бетакрор маъно товланишлари моҳиятини теран идрок этишимиз, қадрига етишимиз лозим. Табиийки, бу масала замондош ёзувчи, шоир ва драматургларимизга алоҳида масъулият юклайди. Зеро, бугунги истиқлол эгалларининг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти, юртдошларимизнинг маънавий-руҳий дунёси, ёшларимизнинг орзу-интилишлари бадиий теран асарларда ўз ифодасини топиши ва ўқувчиларнинг кўнгил мулкига айланиши зарур.

Бу барча ижодкорлар учун шарафли вазифадир.

Сирожиддин РАУФ

21 октябр — Ўзбек тили байрами куни



Сирожиддин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири

КИМ ТИЛНИ БИЛУР — ЭЛНИ БИЛУР

Аваз Ўтар ғазалига мухаммас

Гар ушбу Ватан бизга азал ота мақондур,
Султонларидин шаъни анинг рўйи жаҳондур.
Ким тилни билур — элни билур, шонига шондур,
Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,
Тил воситаи робитаи оламиёндур[1].

То ёғмасалар бошингиза таънаю тошлар,
Тошдин ҳам қатиқ бўлгусидир илм ила бошлар,
Эй сиз, қоракўзу қорасочу қорақошлар,
Ғайри тилини саъй қилинг билгали ёшлар,
Ким илму ҳунарлар билаки андин аёндур.

Бўлмас кишига кўрку ҳусн сўзни гулидек,
Ҳар тилни билув — дилни билув, дилни — элидек,
Тилни йўли ҳам шоҳ жаҳонгирни йўлидек,
Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,
Билмакка они ғайрат этинг, фоида кондур.

Ҳақ сизга беribмиш сувингиз ҳам далангизни,
Ўз боғингизу қир-адирингиз, лолангизни,
Тенг айлаб жаҳон аҳлига куч-ҳафсалангизни,
Илму фан уйига юборинглар болангизни,
Онда ўқуғонлар бори яктойи замондур.

Умр ўтгусидур сув каби ё сувдаги хасдек,
Дилбандларингизнинг бари дарёйи ҳавасдек,
Илм олмасалар умр бўлур тийра қафасдек,
Зор ўлмасун онлар даги тил билмай Аваздек,
Тил билмаганидан они бағри тўла қондур.

[1] **Оламиён** (форс) — *олам аҳли.*

Мана, бир неча кундирки, пойтахтимиздаги маданият кошоналарида санъат, мода, дизайн ва тасвирий санъат йўналишларида муҳим маданий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда чинакам ижод эркинлиги муҳити юзага келди. Адабиёт, театр ва кино, тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандлиги ва бошқа соҳаларга ёш истеъдодларнинг шитоб билан кириб келиши ва уларнинг ютуқлари фикримизнинг далилидир. Бугун ҳар бир ижодкор юртимизда, ҳаётимизда кечаётган ижобий ўзгаришлардан илҳомланган ҳолда ўз иқтидорини тўла намоён этиш имкониятига эга. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан бунёд этилган кўплаб маданий-маърифий масканлар, кўргазма заллари, ижод уйлари, устоз-мураббийларнинг маҳорат мактаблари ва устахоналари ёшлар хизматида. Бунинг натижаси ўлароқ, биз бугун ёш ижодкорларнинг кўплаб соҳаларда эришаётган ютуқларига гувоҳ бўлиб турибмиз. Янги авлод қаламига мансуб асарларда она-Ватан манзаралари, халқимизнинг ўтмиш тарихи ва маданияти, буюк аждодлардан қолган маънавий-маърифий мерос, мустақил давлатимизнинг бугунги залворли қадамлари, буюк келажакка бўлган ишонч руҳи ўз ифодасини топмоқда.

Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган "Underground" деб номланган кўргазмада бадиий ижод остонасига яқинлашиб келаётган ёш дизайнерларнинг ўз туйғуларини янгича бир кўринишда ифодалашга уринаётганлари кўзга ташланади. Улар либос, энг аввало, миллатнинг кўрки, қалби эканлигини унутмаган ҳолда қадимий ва замонавий матолар уйғунлигида бир-биридан гўзал либослар яратишмоқда. Қувонарлиси шундаки, замонавий либослар намойишида қатнашаётган вакилларимизнинг ижод намуналари бугун дунё миқёсида ўтказилаётган кўрикларда ҳам мутахассисларнинг юқори баҳосига сазовор бўлаётир. Тўрт йилдан бери ўтказиб келинаётган бу ҳафталикнинг ранг-баранг тадбирлари халқимизнинг ноёб маданияти, умуминсоний қадриятларини жаҳонга намойиш этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу галги ҳафталикда Франция, Германия, Италия, Австрия, Россия, Швейцария, Япония, Исроил, Хитой, Ҳиндистон, Латвия каби мамлакатларнинг таниқли дизайнерлари ҳам иштирок этаётгани мамлакатимизнинг маданий нуфузини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Мазкур ҳафталик тадбирлари доирасида Миллий санъат марказида Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нурнинг шахсий кўргазмаси очилди. Санъатшунослар Акмал Нур ижодида ишқ, аёл, бокиралик, она-табиат, борлиқнинг мангу латофати мавзуси етакчи ўринни эгаллашини таъкидлашади. Дарҳақиқат, мусаввир рангтасвир санъатида ўз сўзи, йўли ва ифода услубини топа олди. Ижодкор учун бу катта аҳамиятга эга. Мазкур кўргазмада намойиш этилаётган ҳар бир асарда сиз иқтидорли мўйқалам соҳибининг дил изҳорларига дуч келасиз. Муаллиф сизга кўнглини очади ва сизни ҳам самимий дил изҳорига даъват этади.

— Мустақиллик биз ижодкорларга жуда катта имконият яратиб берди, — дейди рассом Акмал Нур. — Бугунги ва мамлакатимизнинг бошқа кўргазма заллари намойиш этилаётган санъат асарларини эгаллашини таъкидлашади. Дарҳақиқат, мусаввир рангтасвир санъатида ўз сўзи, йўли ва ифода услубини топа олди. Ижодкор учун бу катта аҳамиятга эга. Мазкур кўргазмада намойиш этилаётган ҳар бир асарда сиз иқтидорли вазифадир.

Ўз ахборотимиз

Фурқат таваллудининг 150 йиллиги

"ЗАБОНИМ ҚУШИ УЛ ХИРМАНДИН ДОНАЧИН ЎЛДИ"

Ўзбек мумтоз адабиётида ўзини буюк санъаткор Алишер Навоийнинг шогирди ва у зот яратган ажойиб мактабнинг давомчиси, деб ҳисобланган шоирларнинг сон-саноғи йўқ. Улар орасида яқинда таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланадиган Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат алоҳида ўрин тутади. Зотан, тўққиз ёшлигидаёқ шоирлар султони Навоий ҳазратлари асарларига мафтун бўлиб, ўша кунларда ҳазратни тушида кўриб, ундан "оқ фотиҳа" олиб, ўзига хос тиниқ мазмунли мўъжазгина байтини битган Зокиржондан бўлак ўта иқтидорли шоирни маданиятимиз тарихи билмайди.

Мана, шоир кейинчалик "Туркистон вилоятининг газети"да рақам қилган ўша ажойиб кунлар ва воқеалар тасвири: "Чун умрум шоҳиди тўққуз парда орқасидин чеҳра кўргузди, Амир Алишернинг туркий девонлариким Навоий лақабдур, забоним қуши ул хирмандин доначин ўлди.

Ул ҳангомаларда воқеаи ажаб рўйдод бўлди, яъни бир кечаким, ул жумъа кечаси эрди, туш кўрдум. Бир чорбоғе эмишдурким, эрам гулшани андин нишона бўлғай. Сабзалар ва кўб тоза гуллар ҳавзи яқосида, суффаи дилнишин гуногун бисотлар бирла ораста эрди. Ман ул жаннатсаро гулистонда ҳар тарафға танҳо кезар эмишман. Вақтеки боғнинг бир гўшасида бир дарахт узасиға чиқиб, мева термоққа машғул эрдим, ногоҳ бир зебосурат йигит пайдо бўлуб, пайғом етди. Дедиким: бир жамоа уламолар сизни суҳбатларига таклиф қилурлар. Бул ҳабар истимоидин филҳол мен ул дарахтдин тушуб, анинг рафоқати бирла маҳалли иҳтимоъға мутаважжиҳ бўлдум. Борғоч кўрдум: ул суффаеким зикр ўлинмиш эрди. Анда кўп уламолар давра олиб ўлтурибдурлар ва хосса юқорида уч мўйсафид фариштасифат кишиким, ҳузурларида катта китоблар ёзилғон, бир-бирлари бирла мунозара қилурлар. Ва мен пастда қўл боғлаб салом қилдим (Фурқат тушида бу уч фариштасифат мўйсафидни кўргани бежиз эмас. Зотан, "Аҳволот"да баён қилинишича, бўлажак шоир ўша вақтга қадар Саъдий Шерозий, Мирзо Абдулқодир Бедил ва Алишер Навоий девонлари билан танишиб улгурган эди — **Ш.Ю**). Ул азизлардан бири жавоби арзан тутуб, чақириб, ул мажлисдин жой кўрсатдилар. Адаб зонус бирла ўлтурдим. Таҳсилимдин савол қилдилар. Амир Навоий деб таъзиман жавоб бердум. Ул азиз ишорати бирла бир киши менинг олдимға бир китоб ёзиб қўйди. Ул китоб Амир Навоийнинг "Чор девон"лари эрмиш. Андин менинг қўлимға қалам ва қоғоз бериб, ҳар қайсилари бир мисраъдин байт айтдилар. Мен ёзиб тамом қилдим эрса, ҳаммалари қўл очиб ҳаққимда дуо қилдилар ва шеър машқиға рухсат бердилар. Ул вақт қулоғимға хуруси саҳари хуруши етишуб, бедор бўлдумки, субҳ чоғи бўлмиш. Кўнглимға назар солсам, субҳдин мусаффоу кўзгудин мужалло эрди. Вузу айлаб, бомдод намози учун масжидға бордим. Баъд аз адойи саловат мактабға кириб, устозим ҳазратға бу воқеадин баён айладим. У киши муборак таъбирлар айтиб, дедиларким: эй фарзанд, ул юқорида ултурғон азиз Амир Алишер Навоий ва ўзгалари сойир шуаролар бўлғай. Сенинг зотингға алардин мадад етиб, илми ашъ ордин башорат бермишлар, муборакинг ўлғай. Зиҳи майманатмаоб хоб кўрмишсан, деб жабнимдин бўса айлади. Бу каломи фарҳатанжомдин кўнглимға тоза масарратлар юз қўйди.

Бир кун дабистонда танҳо қолиб китобат қилур эрдим. Нохостдин кўнглум ганжинасиға бир мазмун жилвагустар ўлуб, фикрим бикридин бир байт зода ўлунди. Филфавр таҳрир низомиға чектим, бу эрдики байт:

Менинг мактаб аро булдур муродим,
Хатимдек чиқса имлоу саводим.

Чун бу фард байтни устодим назариға еткардум, кўб истеҳсонлар айлаб, ҳаққимда дуойи хайрлар қилди».

Фурқатнинг матбуотда эълон қилинган «Аҳволот»идан олинган юқоридаги лавҳанинг алоҳида ибратли икки жиҳати бор. Булар, аввало, Алишер Навоийнинг оқ фотиҳаси, иккинчидан, маҳалла масжиди қошидаги оддий мактабнинг оддий домласи бўлмиш Муҳаммад Олимнинг ўз шогирди тушига муносабати билан боғлиқдир. Ҳазрат Навоийнинг оқ фотиҳаси тўққиз ёшли болакайнинг ҳақиқий кароматга дуч келганини, кейинчалик бу каромат ўзини тўла-тўкис оқлаганини кўрсатадики, бу жиҳат ўқувчида олий диний эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Мулла Олим домланинг шогирди тушига муносабати эса, шўро даври мафкурачиларининг гўё Туронзаминдаги эски мактабларда «вазава-вазава, от тўрва»дан бошқа нарса ўргатилмасди, улардаги домлалар ўз шогирдларига ўта бешафқат, чаласавод кишилар эди, деган қабиҳ туҳматлари қанчалар асоссиз бўлганини кўрсатувчи ёрқин далиллардир.

Давоми тўртинчи саҳифада.

ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ БИЕННАЛЕСИ

Tashkent International Biennale of Contemporary Art

Шу йилнинг 15 — 22 октябр кунлари Тошкентда навбатдаги бешинчи халқаро замонавий санъат биеннаси бўлиб ўтади. Бу йил пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейи нишонланаётгани муносабати билан биеннале урбанизм муаммоларини антропологик ва маданий-фалсафий аспектда ўрганишга бағишланади. Биеннале шиори «Шаҳар фалсафаси: антропологик ландшафт».

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Бадиий академия, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги шафелигида ўтаётган мазкур Биеннале директори Бадиий академия академиги, санъатшунослик доктори Акбар Ҳакимов.

Биеннале ишида Австрия, Арманистон, Озарбойжон, Германия, Голландия, Дания, Испания, Франция, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Корея, Покистон, Полша, Россия, АҚШ, Тожикистон, Туркия, Чехия, Финляндия, Эстония, Жанубий Африка, Япония каби жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан юзга яқин рассомлар ва санъат танқидчилари иштирок этишади. Кўргазмалар шаҳримизнинг энг гўзал майдонларида, Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар зали, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати» кўргазмалар зали, Тошкент фото уйи, давлат Санъат музейи, Икуо Хирояма номидаги карвонсаройда бўлиб ўтади.

Тадбир доирасида «Замонавий санъат: танлаш стратегияси» мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилиши кўзда тутилган. Анжуман қатнашчилари орасида санъатшунослик доктори, профессор А.Боровский (Давлат Рус музейи бўлим мудири, Санкт-Петербург), санъат-танқидчиси Мария Тереза Бигуристайн (AICA аъзоси, Испания), Гулмира Шалабаева (Қозоғистон, Алмати), Андрэней Жерски (AICA Полша секциясининг президенти), рассом Яаан Элпен (Эстония), санъатшунослик доктори Дилора Вагабова (Озарбойжон), санъатшунослик доктори, профессор Акбар Ҳакимов (Ўзбекистон) ва бошқа таниқли олимлар бор.

Шунингдек, тадбир давомида катта маданий дастур намойиш этилади. Жумладан, STYLE.UZ фестивалининг миллий модалар намойиши, биеннале ҳомийси, «Шарқ аёли» халқаро аёллар жамоатчилик жамғармаси номидан концерт дастури, Самарқандга саёҳат кўзда тутилган.

Кеча оқшомда Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида биенналенинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

5

Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факултетининг бир гуруҳ талабалари шу кунларда Шарқшунослик институти қошидаги академик лицейда амалиёт машғулотларини ўтказмоқдалар.

Куни кеча бўлгуси ўқитувчи талабалар ўз машғулотларига таниқли болалар адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевни таклиф

Маданий ҳаёт

этишди. Адабиётшунос олим Адҳамбек Олимбеков ёш адабиёт мухлисларига устоз адибнинг "Сариқ девни миниб" каби машҳур асарларининг ёзилиш тарихи, бугунги адабий жараён, ёш авлоднинг комил инсон бўлиб етишишида бадиий асарларнинг аҳамияти тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Худойберди Тўхтабоев яқинда ўзининг янги "Қуёнлар мамлакати" саргузашт асарини ёзиб тугаллаганлигини маълум қилиб, тадбир иштирокчиларининг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

*Яшаётган сатрлар
*Китобхон олдидаги масъулият
*Сулола давомчиси
*Шаҳарга жўхори сўтаси керакми?
*Эзгулик боғи

Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир.

Ислом КАРИМОВ

ОНА ТИЛИ — МИЛЛАТ РУҲИ

Тил халқнинг нодир бисоти, бойлиги. Тилнинг жамият учун хизмати буюкдир. Мустақиллик шарофати билан давлат тили мақомини олган ўзбек тили ўз тарихий ва миллий мавқеини чинакамига эгаллади ва истиқболини белгилаб, эркин ривожланиш йўлига ўтди. Давлатимизнинг адолатли миллий сиёсати туфайли давлат тили ва бошқа миллий тилларнинг эркин, тенг ҳуқукда ривожланиш ва қўлланилишига барча шарт-шароитлар яратилди. Зеро, тил инсонлар ўртасидаги оддий мулоқот воситаси эмас, балки миллатнинг шаклланиш ва ривожланиш белгиси, ифтихоридир. У давлатнинг мафкура калити ва миллий маданиятининг кўзгусидир. Ҳозирги даврда халқларнинг ўз тилига бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Ҳар бир миллат ўз тилининг қўлланилиши ва ривожига бефарқ қарай олмайди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, эндиликда давлат тили мақомини олган "Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, конститутцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди".

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши осон бўлгани йўқ. Бундан йигирма йил аввал она тилимизга доир баҳсларимизни, ортиқча эҳтиросга берилиб, тилимизни "мажруҳ бўлиб қолган" деб, уни "тузатиш" йўлини излаганларимизни эслаш кифоя. Ҳақиқатан ҳам, шўро ҳукумати даврида ўзбек тили нафақат расмий мақомга, балки чин маънода ўзининг миллий мавқеига ҳам эга эмас эди, ўша даврда ўзбек тилининг қўлланиш доираси жуда тор бўлиб, давлат ташкилотлари, суд, прокуратура ва жамоат ташкилотларида жуда чегараланиб қолган эди. Ўша оғир ва жуда қалтис шароитда, ҳали шўро ҳукумати охирги кунларини яшаб турган пайтда Президентимиз Ислом Каримов ўзбек тилига давлат тили мақомини беришдек буюк тарихий орзуйимизнинг амалга ошишига бошчилик қилдилар.

Ўшанда, ўта мураккаб вазиятдан халқимиз манфаатларига мос келадиган ягона тўғри йўлни танлашга эришилди. Масалага кенгроқ ёндошилса, ўз мустақиллигига эришган турли мамлакатларда миллий, расмий ва давлат тилига доир баҳс ва тортишувлар бўлиб турши тарихий жараён сифатида қаралиши мумкин. Фикримизнинг далили сифатида Европадаги ривожланган давлатлардан Италия, Испания, Швеция, Дания ва Норвегияда, Осиё ва Африкадаги Танзания, Филиппин, Малайзия, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда расмий тил масаласида қизғин музокаралар бўлгани ва ҳозир ҳам уларнинг баъзиларида бу жараён давом этаётганини келтириш мумкин. Баъзи давлатларда расмий тил муаммоси кўп миллатли халқларнинг жуда кўп тилларда сўзлашуви билан боғлиқ бўлиб, қайси тилни расмий тил деб юритишни қийинлаштиради ва бу баъзан миллий низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Юртимизда 1989 йил 21 октябрда Олий кенгаш сессиясида қабул қилинган давлат тили ҳақидаги қонуннинг бошланғич қисмида Ўзбекистонда яшовчи барча фуқаролар, қайси тил уларнинг она тили эканлигидан қатъий назар, тенглиги ҳамда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республикамизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўз она тилларини қўллашдан иборат Конституцион ҳуқуқларига монелик қилмаслиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, давлат тили ҳақидаги қонунда бошқа халқлар тилларини ва чет тилларини ўрганишга бўлган интилиш ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши кўрсатилган. Президентимиз таъкидлаганидек, мазкур қонунда "Давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан ҳимоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумот олиш каби ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгилаб қўйилган эди... Шунинг учун ҳам у кўп миллатли халқимиз томонидан ижобий кутиб олингани бежиз эмас".

"Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида"ги Қонуни 24 моддадан иборат бўлиб, улар халқимизга тушунарли ҳолда ўзбек ва рус тилларида ҳар томонлама кенг шарҳлаб берилган. Машҳур ҳуқуқшунос олим Ғафур Абдумажидовнинг давлат тили ҳақидаги қонунга ёзган шарҳларида бу муҳим ҳужжатнинг ҳар бир моддасига таалуқли масалалар чуқур ёритилган. Мазкур қонунга асосан, ҳаётимизнинг барча соҳаларида давлат тилидан фойдаланиш, расмий ҳужжатлардан тортиб кичик эълонларгача барчаси давлат тилида берилиши ва эҳтиёж бўлганда, бошқа тилларда бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Энг асосийси, давлат тили ҳақидаги қонун ўзбек тилининг эркин ривожланиши учун тўғри йўлни очиб берди.

Бироқ давлат тилининг қўлланиши турли соҳаларга доир матнларни тузиш ва терминларни танлаш, лотин ёзуви асосидаги имло қоидаларини янада такомиллаштириш, ўзбек тилшунослигида социолингвистика, психолингвистика, когнитив тилшунослик каби соҳаларга тегишли долзарб муаммолар ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини тақозо қилади.

Президентимиз Ислом Каримов кўрсатиб берганларидек, "Айни вақтда жамиятимизда тил маданиятини ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозимлигини унутмаслигимиз зарур. Айниқса, баъзан расмий мулоқотларда адабий тил қоидаларига риоя қилмаслик, фақат маълум бир ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини қўшиб гапириш ҳолатлари учраб туриши бу масалаларнинг ҳали ҳануз долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатади". Бу камчиликларни бартараф этиш учун олиму ўқитувчилар, ёзувчи ва шоирлар, журналист ва ноширлар, барчамиз фаол бўлиб, уларнинг тўғри ечимини топишимиз керак.

Юртимиз мустақилликка эришиб, турли хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларимиз ривожланиб бораётган ҳозирги даврда чет мамлакатларда ўзбек тилини амалий ва илмий ўрганиш янада фаоллашмоқда.

Ўзбек тилига давлат тили мақомини беришда давлат ва кўп миллатли халқимиз манфаатлари эътиборга олингани ва бу масалага адолатли ёндошилганлиги, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга тўла риоя қилингани таҳсинга лойиқдир. Ўзбек тили давлат тили мақомига сазовор бўлиб, халқимизнинг асрий тарихий орзуси амалга ошганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Абдузуҳур АБДУАЗИЗОВ,
ЎзМУ профессори

«БИР ФИДОЙИ ЁРИНГМАН, МИЛЛАТ...»

Истиқлол орзусида ўз замонасининг залворли мусибатларини енгиб яшаган, одамлар қалбида илм ва маърифат чироғини ёққан, ҳақиқий озодлик билим ва қурашлар орқалигина қўлга киритилиши мумкинлигини олдиндан кўра билган ва бу йўлда ҳаётларини қурбон қилган улуғ аждодларимизнинг бой маънавий мероси мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдеворидир. Серқирра ижод соҳиби, беназир таржимон, шоир, табиб ва рассом Сидқий Хондайлиқий чин маънода жафокаш ватандошларимиздан бири эди. Ўз туғилиб ўсган ерини, Ватанини ҳамма нарсадан устун қўйгувчи бу зот бир шеърида шундай ёзади:

Жоним Ватан, шаъним Ватан,
кўзим Ватан
Эсдан чиқар они кўргоч,
кўргон ерим...

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида туғилиб ўсган, бор-йўғи эллик йил умр кўрса-да, ўзидан катта ижодий мерос қолдирган Сирожиддин Маҳдум Сидқий — Хондайлиқий таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан Бўстонликда бўлиб ўтган анжуман вилоятнинг улкан маънавият ва маърифат байрамига айланиб кетди.

— Тошкент вилоятида кўплаб муборак зотлар камолга етиб, тафаккур осмонини илм ва эзгулик нури билан ёритдилар, — деди анжуманни очган Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилоят бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров. — Халқимизнинг ёруғ келажагини орзу қилган Сидқий Хондайлиқий заҳматкаш аждодларимиздан бири сифатида қадрлидир. Президентимизнинг улуғ аждодларимиз номи ва хотирасини тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари туфайли кўплаб буюк ватандошларимиз қатори Сидқий Хондайлиқийнинг ҳаёти ва ижоди ҳам қайта кашф этилди. Фидойи олимлар, ёзувчилар саъй-ҳаракати билан унинг кўплаб қўлёзмалари нашрдан чиқди, серқирра фаолияти ўрганилди. Унинг ўткир ҳажвиёти, дилбар ғазаллари, ибратли ҳикоятлари ҳозиргача ҳам қимматини йўқотмаган.

Сидқий Хондайлиқий табиатан тўғрисўз, ҳақиқатни айтишдан тап тортмайдиган, диний ва замонавий илмларни яхши эгаллаган, зукко ва илмли инсон эди. Ўша даврда у билан ҳамнафас ижод қилган Ҳуршид, Мискин, Улфат, Хислат, Асирий, Иффат сингари ижодкорлар орасида Сидқийнинг алоҳида ўрни бор эди. Маннон Уйғур, Ҳалил Қори, Абдулла Носиҳий, Содиқий сингари шогирдларининг қўллаб-қувватлашига қарамай, ўткир ҳажвиёти сабаб кўп таъқибу қувғинларга учраган Сидқий маълум муддат Фарғонадаги олис қишлоқларда яшашга мажбур бўлади. Илмга интилиш, меҳнат ва мунтазам ҳаракатда бўлишни ўзига шиор қилган шоир бир шеърида шундай ёзади:

Қулф очилмас токи очқу солмасанг,
Очқуни қўзғотқали кўзғолмасанг...

Анжуманда иштирок этган адабиётшунос олим Наим Каримов Сидқий Хондайлиқийнинг машаққатли ҳаёт йўли, ҳали китобхонга маълум бўлмаган қўлёзмалари, нашрга тайёрланаётган тўпламлари ҳақида батафсил гапириб берди. Асарларининг ўқувчилар қўлига етиб боришида жонбозлик кўрсатган адиблармиздан бири, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов шоирнинг ғазаллари ва таржимонлик фаолиятига тўхталиб, у таржима қилган «Минг бир кеча», Шерозийнинг «Бўстон» асари, «Тазкираи Имоми Аъзам», «Раҳимо-таржимаи Каримо» каби ўнлаб асарлар ўзбек адабиётида ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаганини таъкидлади. Ўзбекистон Миллий университети доценти Адҳам Олимбеков Сидқий Хондайлиқий ва унга замондош ижодкорлар асарларини тадқиқ этиш борасида университет олимлари олиб бораётган ишлар, шу жумладан, талабаларнинг изланишлари хусусида гапирди. Филология фанлари номзоди Ортиқбой Абдуллаев аждодларимиз яшаган манзилларни обод қилиш, асарларини ёшлар ўртасида кенг ўрганиш борасида бир қатор таклифларни ўртага ташлади.

— Биз шу кунларда Сидқий Хондайлиқий туғилиб ўсган Хондайлиқ қишлоғида унинг уй-музейи ва кутубхонасини ташкил этиш ҳаракатидамиз, — деди тадбир ташаббускорларидан бири, ёзувчи Асад Асилов. — Ҳозиргача ҳашар йўли билан қишлоқ фаоллари ёрдамида анчагина ободончилик ишларини амалга оширдик. Шоирнинг ҳали қўлёзма ҳолида сақланаётган асарларини нашрдан чиқариш ҳам олдимиздаги муҳим вазифалардан биридир.

Анжуман сидқийхонлик мушоираси ва мумтоз куй-қўшиқларга уланиб кетди. Анжуман иштирокчилари ва меҳмонлар шу куни шоир яшаган Хондайлиқ қишлоғини зиёрат қилдилар.

Ижоди турли даврларда турлича баҳоланган, мураккаб, хатарли даврларда ўз орзу-умиди ва ишончини чироқ қилиб яшаган Сидқий Хондайлиқийнинг ҳаёт йўли ёш авлод учун ибрат мактабидир.

Зарифа ЭРАЛИЕВА

Тақриз

ХАЛҚ ИЖОДИ — ХАЗИНА

Фолклор асарлари, дини ва тилидан қатъи назар, халқнинг асрлар давомида бадиий сайқал бериб келинган бебаҳо маънавий қадриятларидир. Минг йиллар давомида инсониятнинг маънавий тараққиётига хизмат қилиб келган ушбу беназир бадиий тафаккур жавоҳирларининг илмий-назарий аҳамияти беқиёс. Ҳар бир халқнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини белгилашда фолклор асарларини тўплаб, тарғиб этиш ва ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзига хос тараққиёт йўлидан бораётган ўзбек фолклоршунослиги мактаби вакиллари ҳам халқ оғзаки ижоди анъаналарини теран тадқиқ этиб, асрларга тенгдош достон ва қўшиқларда куйланган эзгу ғояларни ёш авлод қалбига сингдириш орқали фолклорнинг миллий қадрият сифатидаги моҳиятини очиб бериш учун тинмай изланмоқдалар. Жумладан, филология фанлари доктори, профессор Маматқул Жўраевнинг яқинда «Фан» нашриётида чоп этилган «Фолклоршунослик асослари» номли тадқиқоти ҳам олий ўқув юртлари талабаларини жаҳон ва ўзбек фолклоршунослигининг энг янги илмий-назарий ютуқларидан баҳраманд этишга мўлжалланган. Китобда илк бор халқ оғзаки ижодини ўрганувчи фаннинг асосий илмий-назарий концепциялари, фолклоршунослик тарихи, фолклорни ўрганиш борасида ҳозирга қадар эришилган натижалар, фолклор назарияси, жаҳон фолклоршунослигининг етакчи илмий мактаблари ва уларнинг назариялари, бу соҳани ўрганишнинг асосий методлари ва унга ёндош фанларнинг ўзаро муносабати тўғрисида муфассал маълумот берилган.

Муаллиф гапни фолклоршунослик тарихидан бошлайди ва илк мавзуни «Фолклор» ва «фолклоршунослик» атамаси» деб номлайди. Бу фаслда халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятлари, фолклор жанрларининг пайдо бўлиш тарихи ва тараққиёт қонунлари, халқ оғзаки ижодида тур ва жанрларнинг таркиб топиши, уларнинг шаклланиш жараёнлари, поэтикаси, тарихий-фолклорий жараён ва унинг асосий хоссалари, «постфолклор» ва унинг ўзига хос белгилари тўғрисида илмий мулоҳазалар билдирилган.

Тадқиқотнинг «Фолклоршунослик фани ва унинг моҳияти» деб номланган фаслида фолклор назарияси, матншунослигини тўплаш ва системалаштириш, фолклор архивини компьютерлаштириш каби қизиқарли ва аҳамиятли масалалар тўғрисида янги хулосалар берилган.

«Ўзбек фолклорларининг ёзиб олиниши тарихи», деб номланган фаслда бир неча аср бурун Маҳмуд Кошғарий бошлаб берган фолклор тўплаш анъанаси Фозил Олим Юнусов, Ҳоди Зариф, М.Аливия, М.Афзалов, З.Ҳусаинова, Ф.Караматов, М.Муродов, О.Собиров, М.Қодиров, Ё.Жўраев, Т.Мирзаев, Т.Очилов, Б.Саримсоқов, Р.Муҳаммадиев, М.Саидов, Ж.Қобулниёзов, С.Рўзимбоев сингари олимлар томонидан изчил давом эттирилиши натижасида халқ оғзаки ижодининг барча жанрларига доир бой мерос тўпланиши ва бугунги кунда мамлакатимизнинг ноёб илмий фондларидан бирига айланган ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фолклор архиви юзага келиши тарихи ҳақида китобда кенг маълумот берилган, ҳар бир авлод фолклоршуносларнинг бу нодир манбани бойитишга қўшган муносиб ҳиссасига доир таҳлилий далиллар келтирилган. Ўтган асрнинг 20-йилларидан буён иш олиб бораётган илмий экспедициялар фаолияти истиқлол даврида янада кенгайгани, мустақиллик шарофати билан ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини барча ҳудудлар бўйича изчил тўплаш ва ўрганиш имконияти юзага келганлиги қўлланманинг «Мустақиллик даври ўзбек фолклоршунослиги» номли қисмида батафсил ёритилган.

М.Жўраев ўқув қўлланмасида ёш авлодни жаҳон фолклоршунослиги тараққиётида муҳим ўрин тутган етакчи илмий мактабларнинг назариялари билан таништириш мақсадида «Мифологик мактаблар», «Фин мактаби», «Сайёр сюжетлар» назарияси, «Антропологик мактаб», «Тарихий мактаб» ва «Ритуал-мифологик мактаб» каби фолклоршунослик тарихида катта рол ўйнаган илмий йўналишларнинг назарий концепцияларини келтиради. Юнон алломаси Эвгемер, француз файласуфи Б.Фонтенел, италян олими Ж.Вико, немис филологлари Ф.Шлегел, Г.Гердер, Ф.Шеллинг, В.Гримм ва Я.Гриммнинг назарий қарашлари асосида «мифологик мактаб»нинг юзага келиш тарихини ёритиб берган муаллиф бу мактаб илмий концепцияларининг ўзбек мифологиясини ўрганишдаги аҳамияти тўғрисида ҳам тўхталган. Шу асосда аждодларимизнинг тотемистик, анимистик, дуалистик ва магик ишончлари, ритуал-рамзий маросимлар, деҳқончилик маданияти ва аграр культлар билан боғлиқ мифологик тасаввурлар тизими таҳлил қилинган.

Хуллас, мазкур қўлланма муаллиф таъкидлаганидек, «фолклоршунослик фанининг моҳияти, ўрганиш объекти ва предмети, тадқиқот методлари, жаҳон фолклоршунослигидаги етакчи илмий мактабларнинг назариялари, ўзбек фолклоршунослиги тарихи бўйича чуқур билим бериш орқали миллий ўзликни англашдек улуғвор мақсадларга хизмат қилади».

Шоира ДОНИЁРОВА,
филология фанлари номзоди.

ОНА ТИЛИМ



Сўз амири — ҳазрат амир Алишер
Семурғдай йўлчидир абад йўлинда.
Қуш тили нимадир, янгради, ахир,
Кўкларнинг пайғоми — туркий тилимда.
Энди ҳеч ерламас осмоним —
Она тилим,
Онажоним.

Йиғласам, ўттиз уч ҳолидан айтдинг,
Қош билан кўзимнинг аросидасан.
Кошғар чўлларидан қўнглимга қайтдинг,
Неққадам забонин яросидасан.
Рўёби юлдуздай ҳадсиз имконим —
Она тилим,
Онажоним.

«Бузинг»мас, «тузинг» деб от сурди Темур,
Дунё қачон кўрмиш бундайин тузук;
Бир соч савдосида қай бир диловар
«Оёғи етганча кетди бобурдек...»
Ҳинддами, Афғонда битган девоним —
Она тилим,
Онажоним.

Тилим, сен — отамдан қолган даламсан,
Дардларимни эксам — гулдай ўстирган.
Қодирий боғида биллур шабнамсан —
Тангрим жамолини акс эттирган.

Қаро насрда ҳам куйдай равоним —
Она тилим,
Онажоним.

Ўттан-ўтаётган кунингда сир кўп:
Гулдай ўғилларга балчиқ отарлар,
Сен-ку бинафшага қайғудошсан, ўҳ!
Ёпишмаган гажжак — туҳмат битарлар.
Чорасиз қолғонда қалқоним —
Она тилим,
Онажоним.

Шеърий лаҳза

Иблис шевасида сўзловчилар, эй!
Мен «Хамса»да меърож этиб қайттанман!
Мен энди ўлмайман, Ўрхун сойларда
Парвозим тошларга нақш этганман.
Тошларда уйғоним, туғёним —
Она тилим,
Онажоним.

Нодира АФОҚОВА

ЛАБИҲОВУЗ ЭРТАКЛАРИ

Қадим ва ҳамиша навқирон Бухоро асрлар давомида шаклланган тарихий муҳити, ўлмас обидалари, меъморий ёдгорликлари билан ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Улар орасида XVII асрда Имомқулихоннинг вазири Нодир девонбеги томонидан бунёд этилган муҳташам мадраса ва унинг ёнғинасида жойлашган Лабиҳовузнинг "Тунги эртаклари" доимо меҳмонларни чорлаб туради. "Шашмақом"нинг сеҳрли оҳанглари эса, бутун дунё аҳлига шарқ мусиқасининг нақадар буюклигини намойиш қилгандек ўзига хос улуғворлик билан таралади. Мадраса айвонида янграй бошлаган бу наволарни тинглаб, гўёки мозийга сайр этгандек бўласиз.

Мана 18 йилдирки, шаҳарга ташриф буюрадиган минглаб хорижлик сайёҳларга бухоролик санъаткорлар ажойиб концерт дастурини намойиш этишади. Кун бўйи асрлар силсиласида ўз салобати, буюклигини йўқотмай келаётган тарихнинг тирик гувоҳлари бўлмиш Бухоро обидалари гўзаллигидан баҳраманд бўлаётган сайёҳларга "Лабиҳовузнинг тунги эртаклари" билан танишув халқимиз маданияти ва маънавияти билан мулоқотга айланади.

Нодир Девонбеги мадрасаси асрлар давомида илм-зиё маскани сифатида довруқ таратган бўлса, бугунга келиб қадим ҳунармандлар бешигига айланган. Мадраса Лабиҳовуз ансамблининг шарқий қисмида жойлашган. Мадраса ҳовлисининг атрофи тўрт томондан икки қаватли ҳужралар билан ўралган. Ҳар бир ҳужрада зардўзлик, каштачилик, мисгарлик, жувуздонлик, наққошлик, заргарлик, дўппидўзлик каби 20 дан ортиқ қадим ҳунарларнинг янгича жилосини кузатиш мумкин. Устоз-шогирд анъаналарини бор гўзаллигию мукаммаллиги билан давом эттираётган ҳунармандлар маҳорати бу ерга келаётган ҳеч бир меҳмонни беэътибор қолдирмайди.

— Мен ўзбек халқининг бой маданият ва маънавиятга эга халқ эканлигини эшитганман, — дейди германиялик меҳмон Хелен Фушер хоним. — Аммо бу анъаналар жилосини ўз кўзим билан кўриш менга умуман ўзгача завқ бағишлади. Қайси бир ҳунар устаси санъатини кузатманг, уларда шарқона ҳаёт фалсафаси мужассам. Ўзим ҳам у кўп миллатли халқимиз томонидан ижобий кутиб олингани бежиз эмас.

Санъат миллат танламайди. У кўнгиллардан кўнгилларга фақат эзгуликларни тадўз қизлар тикаётган иплар табиий ранглардек жилоланса, ҳар бир нақшда бир маънони уқиш мумкин. Бу каштталар замирида яна мен шарқ аёлларининг қалб гўзаллигини, кўнгил гавҳарини, назокатини ҳам кўргандек бўлдим.

Нодир Девонбегида ўтадиган санъат анжуманини ана шу кўнгиллар байрамига қиёслаш мумкин. Миллий оҳанглар, миллий рақслар ҳамоҳанглигидаги шарқона миллий либослар намойиши, айниқса, меҳмонлар томонидан илиқ кутиб олинади. Бухоро шаҳридаги "Овация" модалар уйи қизлари томонидан намойиш этилган кийимларда халқимизнинг ўлмас анъаналари юз очгандек гўё. Бу сеҳрли ранглар жилоси хорижлик меҳмонларга ўзбекона урф-одатларимиз тарихи ва бугуни ҳақида сўзлайди.

— Бу дастурдаги ҳар бир чиқиш ўзига хос. Кун давомида шаҳарнинг бири-биридан қадимий обидалари тарихи билан танишган бўлсак, кечки дастурда халқингиз маданияти, санъатидан баҳраманд бўлмоқдамиз, — дейди испаниялик меҳмон Пауло Силва. — Энг муҳими, бу масканда ўзбек миллий таомларини татиб кўрдик. Бу каби мароқли дастурларнинг ташкил этилиши халқингизнинг узоқ ўтмиши, бой тарихи билан янада яқинроқ танишишга имкон яратади.

Зокир ИСТАТОВ олган сурат.

Бундай тадбирлар туфайли меҳмонларга кўрсатилаётган сервис хизматлари даражаси яхшиланмоқда. 1999 йилда шаҳарда 10 га яқин хусусий меҳмонхоналар фаолият юритган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 55 тага етди. Бир кеча-кундузда меҳмонхоналарда уч минг сайёҳга юқори даражада хизмат кўрсатилади. Жойларда ташкил этилаётган концерт дастурлари эса сайёҳларнинг кечки дам олиш вақтлари янада мароқли ўтишига ёрдам беради. Шунингдек, яқин келгусида экотуризмни ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Бухоронинг ўз маънавий муҳитини намоён этувчи ҳар бир гўшаси сизни бир-биридан ажойиб, сеҳрли дунёга чорлайди. Лабиҳовузнинг мумтоз наволар оғушидаги тунги эртаклари бу кўҳна шаҳарга абадий навқиронлик бағишлайди.

Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА

НЕМИС КИНОСИ ҲАФТАЛИГИ

Севган аёлининг эркатой ўғлига ёқишни истаган Фред унга суюкли баскетбол командаси аъзоларининг дастхати туширилган баскетбол тўпини совға қилмоқчи бўлади. Мақсадини амалга ошириш учун вақтинча ногиронлик аравачасига ўтириб, имзо йиғишга киришади. Ёлғон йўл билан тўпни олишга эришган Фред шу жараёнда гўзал режиссёр қиз Денисга ёқиб қолади. Бу қиз фанат ногиронлар ҳақида фильм олиш иштиёқида эди.

Тошкентдаги Гёте институтида ўтаётган янги немис филмлари ҳафталигининг очилишида намойиш этилган бу картина «Аравачада» деб номланган. Дастурда намойиш этиладиган бешта тўламетражли филм пойтахтликларни замонавий немис киносидаги жараёнлар билан таништиради.

«Эксперимент-2: Тўлқин» триллери, «Кўприкда ялангоёқ» романтик комедияси, «Эмманинг бахти» ва «Йелла» мелодрамалари ҳам мухлисларга маъқул бўлади, деб ўйлаймиз.

Намойиш этилаётган бу филмлар Германияда ва чет элларда турли совринларга сазовор бўлиб, кенг шуҳрат қозонган.

МУЛТФИЛМ ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Таъсир кучи жиҳатидан ёш авлод тарбиясида анимацион кино санъатининг аҳамияти беқиёс. Шунинг учун мултфилмларнинг савияси билан боғлиқ муаммолар бугуннинг долзарб мавзуларидан биридир.

Кеча Республика Маънавият тарғибот марказида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида "Болаларнинг маънавий камолотида мултфилмларнинг ўрни" мавзуида маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирни марказ директори Минҳожиддин Ҳожиматов бошқарди.

1997 — 2008 йилларда яратилган филмларнинг маънавий-тарбиявий аҳамияти тўғрисида адабиётшунос олим Султонмурод Олим маъруза қилди. "Болалар учун ижод қилаётган соҳа вакиллари олдида катта масъулият турибди, — деди у ўз сўзида. — Баъзида ўзимиз билиб-билмай болалар онгига ёт ғояларни киритиб қўйишимиз мумкин".

Маънавият марказининг бош мутахассиси Шуҳрат Насимов телеэкран орқали намойиш этилаётган хорижда ишлаб чиқарилаётган айрим мултфилмларнинг миллий менталитетимизга ёт жиҳатлари ҳақида сўзлади.

"Ўзбеккино" миллий агентлигининг бош директори Аъзамжон Исҳоқов мазкур масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, "Кулол" мултфилми 2005 йили Техронда бўлиб ўтган анимацион филмлар халқаро кинофестивалида урушга қарши мавзунинг фалсафий талқини йўналиши бўйича бош совринни қўлга киритганлигини таъкидлади.

"Ўзингни англа" психологик маркази директори Замира Азимова, санъатшунослик фанлари доктори Дилфуза Раҳматуллаева, болалар ёзувчиси Эркин Маликов, анимацион филм усталари Нозим Тўлахўжаев ва Дмитрий Власовлар ҳам сўзга чиқиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.



Аъзам ЎКТАМ

Сокин юрак қошида

ҚЎҚОН ШАМОЛИ

Бу табиат қарғиши эмас,
шамол бунга келган атайлаб.
Айтган: нимжон бўлар болалар,
ўстирсангиз ортиқ авайлаб.

Машаққатдан қочмадим ҳаргиз,
энтиктирар кунлар висоли.
Қайда бўлмай қулоқларимга
ҳайқиради Қўқон шамоли:

“Бир гул десанг бунда ўзингни,
кучимга дош беролсанг, гулсан.
Кўзларингга қум тўлса ҳамки,
сайраёлсанг асл булбулсан”.

Балки уни билмайди кўплар,
У тинмайди тўрт фаслда ҳам.
Бунда яшар кимки дўпписин
тута билса бошида маҳкам!

ЙЎЛ

Йил йиқилар йилнинг устига,
Хотиралар типирчилар хит.
Елкам оғрир, қақшар устихон,
Юк остида силтанар умид.

Бераймикан тақдиримга тан,
Наҳот бари тугади ёҳу!
Йилдан-йилга етаклаб ўтган
Орзуларим ушалмади-ку?

Сергак қадам ташлайман, ахир,
Юрар йўлим — қалин тиканзор.
Бениҳоят узундир умр,
Биттагина оқ қўйлагим бор.

Юксакларга чўзибман қўлни,
Омон етай унга ишқилиб.
Танладим сал оғирроқ йўлни,
Сал енгилроқ жон берайин деб.

Қадам босиш тобора қийин,
Умр кифтда. Қақшар устихон.
Олға қараб юрганим сайин
Йил йиқилар йилнинг устига.

КУЗАТИШ

Бугун сени олиб кетаётганлар
асрасинлар менгзаб гул билан, қизим.
Ҳеч ким ёр севмасин ёруғ дунёда
қалбида ўт эмас, кул билан, қизим.

Кўлмаклар наздида
сой ёмон, билсанг,
сур булут наздида
ой ёмон, билсанг.
Майли, ёмон бўлсанг —
сой бўлгин, қизим,
майли, ёмон бўлсанг —
ой бўлгин, қизим.

Мен — тоғ. Сен кетяпсан —
чўкарман бугун,
мен — боғ. Сен — мевамни
тўкарман бугун.
Сен ҳам тоғ бўлгину
бир кун чўк, қизим,
сен ҳам боғ бўлгину
меванг тўк, қизим.

Энди ризо кетгин мендан, онангдан,

Яшаётган сатрлар

бўл бахти ҳам умри жовидон, қизим.
Бош эгиб кирганинг ул остонадан
бош эгиб қайтмагин ҳеч қачон, қизим.

* * *

Куз. Кўройдин. Жим ўтирибман,
ўти ўчган ўчоқ бошида.
Ўтиргандек бўлурман гўё
сокин юрагимнинг қошида.

У кунларга қайттим келади,
жимгина яшашга ҳушим йўқ.
Хаёлимда гулхан ловуллар,
кул остида милтирайди чўғ...

МАНЗАРА

Қўқонда аския қилаётгандек
туюлади ҳатто чойхоналар ҳам.
Энгашиб гап ташлар пиёлаларга
гўёки қиқирлаб чойнаклар бу дам.

Чолларнинг соқоли хушнуд силкинар,
янги бир пайровга шайланар лаби.
Пиёла чайқалиб кулар қўлларда,
узоқ нашъа қилар чойнакнинг гапи.

* * *

Тугаб бормоқдадир ёшлик, муҳаббат,
ўзимга ишонч ҳам кундан-кун сустдир.
Ғамни, шодликни
ҳам кўрдим, тўйдим мен,
излаганим фақат самимий дўстдир.

Қолмади шекилли шеърга ҳам ҳожат,
куйимнинг авжи паст,
имкон мўрт, синиқ.
Армонларим энди айта бошласам —
уни шарҳлаб қўяр битта хўрсиниқ.

* * *

У кетди. Боғларим шумшайди ғариб,
ғунчалар тумтайиб қарайди менга.
“Кетманг” дея олдим айрилар чоғи,
“Хайр” деб бўлмасди ҳеч қачон унга.

У кетди, кетди-ю энди шум ўйлар
санчилаверади қалбга мисли ўқ:
Ў, энди у ҳатто тушларимга ҳам
истаса киради, истамаса — йўқ...

Муродулла ҒАФУРОВ

Туғёнларга тўлмоқда кўнгил

ЁМҒИР

Пастлаб келаётган булутга боқдим,
Ҳар қуюқ кўчкининг кўчмоғи оғир.
Хаёлан самода сузгали оқдим,
Ногоҳ томчилади қўрқувдан ёмғир.

Амркор чавандоз қиличин кўрдим,
Сермади беаёв, сачратиб учқун.
Гулдурак овозин бор кучин кўрдим,
Яшнатмоқ бахтига бўлганча мафтун.

Ийманиб турганга йўқдир ҳеч вақо,
Шитоб ҳаракатга — жасорат белги.
Лаҳзалик бўлса-да биз учун бақо,
Шунчаки этмайди ҳадя бир улги.

Дарахтлар силкинди, шохлар эгилди,
Ғафлатни қувмоқчи ўнгу сўлидан.
Бир ажиб хабарлар қувончи келди,
Турғизмоқчи бўлиб босиқ уйқудан.

Самони ларзага солган қалдироқ
Заминни уйғотар дамо-дам, такрор.
Жўшиб ҳар томонга жилғалар бироқ
Ҳаёт қўшиғига бўлди бастакор.

Чумчуқлар гур-р этиб учди панага,
Шалаббо болалар қичқиришар шод.
Ҳамиша сергавжум улкан шаҳарда
Ҳеч ким қолмагандек бир таассурот.

Лекин мен қочмадим хилватроқ жойга,
Бошимдан қуйилар кўкнинг кўз ёши.
Гарчанд англамадим бундан не фойда,
Кўнглимга нур берди фалак қуёши.

Олам чироғидан ёришди атроф,
Қуюқ кўчкилардан қолмади нишон.
Соғинчим сабрига бўлди эътироф —
Мезоннинг илк куни уйғоқ руҳ шоён.

Тобора олислар булут кўрони,
Чексизлик кўринар тиниқ уммондек.
Хаёлан самода сузганим они,
Дилимни ҳис этдим бегард осмондек.

ЭЙ, ГУЛ

Муаттар анбар-ла дилга ҳад этдинг,
Хоҳиш эҳтиёжин қатма-қат этдинг,
Бошга ишқ савдосин беадад этдинг,
Марғилон боғидан узилган, эй гул.

Нафосат оламин тиниқ рамзи — сен,
Севги саботининг ҳалол лафзи — сен,
Ҳислар туғёнининг буткул арзи — сен,
Марғилон боғидан узилган, эй гул.

Мушку ифорингдан борлиқ маст бўлмиш,
Ғунчалаб болидан жонга қасд бўлмиш,
Назаринг ҳолима нечун паст бўлмиш,
Марғилон боғидан узилган, эй гул?

Ғаюрлар нигоҳи — бемаврид шамол
Барғларинг тўкмасин (бу ҳам эҳтимол),
Қайта яшармассан кўрсатиб жамол,
Марғилон боғидан узилган, эй гул...

Мен соддага кўника қолгил —
Иқболимга умиддир куртак.
Дилга кириб, ҳайратлар солгил,
Эзгуликлар бўлмасин эртак,
Юрагимни бердим сенга, ишқ.

ИШҚ

Ҳаловатим олақол буткул,
Ширин-ширин изтироблар бер.
Қилсанг, қилгил не бўлса маъқул,
Садоқатдан фақат сўзлайвер,
Юрагимни бердим сенга, ишқ.

Сенинг кўзинг оймидир, эй гул?
Латифмижоз гулмидир, эй ой?
Туғёнларга тўлмоқда кўнгил,
Бу дунёда меҳрга энг бой —
Юрагимни бердим сенга, ишқ.

Куйганларнинг додин эшитгил,
Армонларин юки мисли тоғ.
Ҳасратларга йўлни берките гил,
Азобларга очганча қучоқ —
Юрагимни бердим сенга, ишқ.

Ошиқликдан қалбим тилмагил,
Ҳар тебраниш дард ила бўлмиш.
Сохта ҳислар бунёд қилмагил,
Хайр ила борлиғим тўлмиш.
Юрагимни бердим сенга, ишқ.

ШАМОЛЛАР ҲАМ...

Муҳаббатга илҳақ кўнглим беғам эди,
Беғам янглиғ эсар эди шамоллар ҳам.
Ногоҳ сени кўриб бирдан дил тўлғонди,
Тўлғонгандек бўлиб эсди шамоллар ҳам.

Севгим изҳор этмоқ учун
пайт пойладим,
Келди гўё фурсат қувлаб
шамоллар ҳам.
Ишқим айтдим, тингламадинг
оҳ-войларим,
Ҳамдард бўлиб елди увлаб шамоллар ҳам.

Қалбимдаги бу жароҳат сендан нишон,
Дарахтларни кетди букиб
шамоллар ҳам.
Хаёлларим тўзғиб кетди,
мен — паришон,
Паришондир дардин тўкиб шамоллар ҳам.

ШЕЪРДА УСТОЗ ВИЖДОНДИР ФАҚАТ

Унинг китобларини ўқий туриб, бир фикрга келасиз: у майда ҳиссиётлар куйчиси эмас; у катта туйғулар шоири! Ҳар қандай шовқин-сурон ва ғала-ғовур ичидан ҳам унинг сокин овозини таниса бўлади. Чунки унинг ҳар бир шеърида юрт қайғуси, ватан дарди, эрк туйғуси бор. *“Шеърда баъзан ҳаводек зарур, “Эрк” сўзига қофия “қасос”, “Қўрқоқ бўлсанг, қўрқоқ бўлар шеър”.* Бу сатрларни у бундан ўттиз йил аввал ёзган. Бу пайтларда озодлик ва юрт ҳақидаги гапларни нафасингни ичингга ютиб гапирардинг. Ё гапирмай қўя қолардинг...

70-йиллари наср ва назмда об-ҳаво янгиланади. Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Хайриддин Султон, Усмон Азим, Муҳаммад Раҳмон, Садриддин Салим, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон... Улар 60-йиллардаги катта адабий кўтарилишнинг давоми сифатида майдонга келиб, адабиёт — миллат овози эканлигини яна бир карра исботлаб бердилар. Бу ижодкорлар орасида Хуршид Давроннинг ҳам ўзига хос овози бор эди.

— Мунча қўрқоқ бўлмасанг, дўстим,
— Нетай, ахир, мен эрксиз ўсдим.

Рост гап! Эрксиз ўсган одамлар қўрқоқ ва журъатсиз бўладилар. Чунки, уларнинг руҳидаги устун синдирилган бўлади. Қўрқоқ ва журъатсиз руҳ сотқинлик ва хоинликка мойил бўлади. *“Номардни* **қўрқув** *яратади”,* **“Қўрқмасдан** *қадам ташла, ер жуда қаттиқ”, “Менинг ўғлим* **қўрқар** *фашистдан”, “Бу одам китобнинг ўзидан эмас, Китобда битилган Сўздан* **қўрқади***”. “Дуч келишдан* **қўрқади** *балки Қодирийга ёки Чўлпонга”, “Қул бошини тутганидек хам,* **қўрқув ютиб** *ўтиравердим”.* Бу сатрлар Хуршид Давроннинг турли йилларда ёзилган турли шеърларидан келтирилди. Уларда қўрқувга қарши исён бўлиб жаранглаган сатрларга кўп дуч келасиз. Ҳолбуки, қўрқув бутун бошли тузум эди. Ўша салтанат ҳам Қўрқув салтанати эди. Зеро, шоирнинг қўрқув ичида жонини ҳовучлаб ўтирган миллатига мурожаати эди бу сатрлар.

Унинг “Баҳордан бир кун олдин” китобига киритилган 240 та шеърнинг аксарияти ватан ва озодлик ҳақидаги шеърлар. Кўнглингда шу дард бўлмаса, бу мавзуда мунча кўп ва хўб ёзолмайсан. Бу катта ва оғир мавзу. Китобдаги лирик шеърларда ҳам, мозий мавзусидаги шеърларда ҳам, асосан, шу руҳ етакчилик қилади. Нега шундай? Чунки, бу авлод шоирларининг ўзлари тирик ғояларга айланган эдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг шеърлари шу ғояларнинг овози бўлиб янгради. Сўз билан ҳазиллашиб бўлмайди. Унинг илоҳий юки бор. Шунинг учун ҳам Суйима опа Ғаниева доим: “Ҳозирги шоирларимиз асар ёзиш маданиятини унутиб қўяптилар. Навоий замонида бу маданият мукаммал шаклланган ва ўзининг қатъий қонун-қоидаларига эга бўлган”, деб куйиниб юрадилар. Чунки ҳақиқий шеър ҳеч қачон майда-чуйда нарсаларнинг хизматкорига айланмайди.

Маҳмуд Кошғарийдан Навоийгача, Бобурдан Чўлпонгача, Ойбекдан Миркарим Осимгача не-не улуғларга бағишланган шеърлар бор “Баҳордан бир кун олдин” китобида. Улар фақат эҳтиром ва бағишловларгина эмас, бу шеърлар биз ўз улуғларимизга қалбнинг қайси нуқтасидан туриб қарашимиз кераклигини ўргатади. Шоир уларга ижодининг илк давридан катта меҳр-муҳаббат билан қараган. Ўз халқининг тимсолларини уларда кўрган ва шу нуқтаи назар билан тасвирлаган. Зеро, миллат улуғларини қадрламаган одам миллатини қадрлашни билмайди. Навоийга муҳаббати бўлмаган одамнинг ўзбек тилини севишига шубҳа бор. Қодирийни англамаган одам ўзбек руҳини англамайди. “Тарихни шахслар яратади” дейдилар, миллат қаддини ҳам шахслар кўтаради, маънавий қиёфасини ҳам улар белгилайди.

Хуршид Давроннинг китобларини ўқий туриб, унинг буюк боболаримизга нисбатан меҳрига, муҳаббатига, самимий эҳтиромига ҳавасинг келади. Дейлик, биргина “Эй, тилим, эй, элим, эй она тупроқ” деб номланган сонетлар тукумида Маҳмуд Кошғарийдан Мақсуд Шайхзодагача 14 нафар шоирга бағишланган шеър бор. Дарҳақиқат, она тилимиз тараққиётини уларнинг ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Унинг 1970 йилда ёзган “Қодирийнинг сўнгги сурати” шеърида: *“Йўлларимда учраса хато, Қийнаб қўйса элим ҳасрати, Келиб сендан тилайман паноҳ, Қодирийнинг сўнгги сурати”*, деган сатрлар бор. Бу мисралардан кўриниб турибдики, эндигина йигирма ёшга кирган шоир адабиётга ва ҳақиқатга садоқат йўлини танлаган эди. Бўлмаса, у юқоридаги шеърида паноҳни партиядан тилаб, Қодирийнинг эмас-да, Ленининг суратига тавалло қиларди. Ўша пайтларда бунинг учун уни ҳеч ким айбситмаган, аксинча, олқишлаган бўларди.

Ўтган шоирлар билан (ҳатто улар ўн аср олдин ўтиб кетган бўлсалар-да, замон шоирлари ўртасида аниқ руҳий боғлиқлик бор, уларнинг боғлаб турадиган кўзга кўринмас ришталар мавжуд. Эҳтимол, айни шу боғлиқлик уларни хиёнатдан сақлар, садоқатга ундар, ҳар лаҳзада руҳий ҳисоб-китоб талаб қилар, адабий виждон, деган атмосферани яратар.

“Шеърда энг буюк устоз виждондир”, деган гапни ҳам илк бор Хуршид Даврон айтди. Рост-да, ахир шоирга энг аввал виждони устозлик қилмас экан, унга ҳазрат Навоийнинг ўзлари келиб таълим берсалар ҳам бирор натижа чиқмайди. Зеро, шеъриятнинг олтин қоидаларининг асосида виждон ётади. Шеър виждондан ташқари ҳолатда туғилмайди.

“Шоир деган сўзда мангу шуҳрат бор”, деган эди Белинский. Нега шундай? Нима учун шоирга талаб бошқача қўйилади? Нега баъзида ҳаммага мумкин бўлган нарса шоирга мумкин эмас, ёхуд шоирга мумкин бўлган нарса бошқаларга мумкин эмас? Чунки, *“шоир жасорат ва ишқ Фарзандидир, ўхшар дарёга — Қулларгамас, хурларга қўшиқ айтмоқ учун келар дунёга”.*

Хуршид Давроннинг “Ватан ҳақидаги етти ривоят”ига етти мўъжаз асар киритилган. Иккиланмасдан уларнинг ҳар бирини бир асар деб аташ керак. “Боболар мозори”, “Бир парча ер”, “Ватан тупроғи”, “Лола гулли пиёла”, “Ватан меҳри”, “Туз ҳақи”, “Ота қабри”... Уларни ўқий туриб, одам шунчаки бир жонзот эмаслигини, фақат суяк ва сувдан иборатмаслигини, бесарҳад коинотда кичикдан-кичик зарра эмаслигини ҳис этасиз. Кўримсизгина бир мозорга муносабат номус ва орга муносабат эканини (“Боболар мозори”), ватан бир парча ердан бошланишини, яъни бир парча ер ҳикматини билмаган одам ватанини таний олмаслигини (“Бир парча ер”), инсон қалби фақат ўз тупроғида гуллашини (“Бир тупроғи”), энг оғир соғинч ватан соғинчи эканлигини (“Лола гулли пиёла”), юртга хиёнат — эътиқодга хиёнатлигини (“Ватан меҳри”), бир чимдим тузда қанчадан-қанча ҳақ борлигини (“Туз ҳақи”), ота қабри — номус қадри эканлигини равон ва гўзал ифодаларда сўйлайди бу ривоятлар. Бу мавзуларнинг юки оғир, уларни ровийнинг тили эмас, дарди-ҳасрати, орзу ва армонлари ривоят қилади. Раҳматли Шукур ака айтарди: “Энди билдим, ёзиш — ҳасратингни айтиш дегани экан.”

Ўғлим, бобонг ёнида
Ётсам, сақла тинчимни.
Сен мени кўриқлагин
Даст тутиб қиличингни.

Ватанни, юртни асраш аслида шундан бошланади. Чунки, миллат тарихини ҳимоя қилиш унинг келажагини ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу яхлит бир нарса, унинг нариёғи бировники, буёғи бизники, деб ажратиб бўлмайди.

* * *

Туни билан девор ёқалаб
Юриб чиқди шошқалоқ баҳор —
Туни билан эриб, юпқалаб
Тарновлардан ерга томди қор.

Қандай гўзал тасвир. “Шеър кафанда ҳам, гулшанда ҳам гўзал бўлмоғи керак”. Модомики, шеър туйғу тасвири экан, туйғуни табиатдан айро ҳолда ифодалаш ҳам яланғоч ҳолда кўрсатишдай гап. Инсон туйғулари унинг табиат билан уйғунлашуви онларида ҳосил бўлади. Қалб илоҳий туташувларни ақлдан ҳам аввал туйғу орқали ўзида кечиради. “Бизнинг қалбларимиз коинотдан туҳфалар олиб туради” (Тагор). Бундай лаҳзаларда инсон табиат ичидаги табиатга айланади. Ўз тийнатида қирларадирлар, тоғлар, дарёлар, ўрмонлар — ҳамма-ҳаммаси борлигини ҳис этади.

Туни билан боғдаги толнинг
Восил бўлди қишки тушлари.
Кўкрагини тилиб шамолнинг
Новдаларнинг чиқди тишлари.

Шоир шунинг учун ҳам шоирки, бундай гўзал ҳодисалар ташқи табиатдан ҳам олдин, аввало, унинг ички табиатида содир бўлади. “Агар ер шарига кетар бўлса дарз, шоир юрагидан ўтар чизиғи” (А.Блок). Шоир шунинг учун ҳам шоирки, унинг табиатида “тунги боғлар туш кўрадилар, шамол кўксини тилиб, новдалар тиш чиқарадилар, гиёҳларга сув тутиб дарёлар оқадилар, баҳорларида олтин ёмғирлар ёғади”. Шоир шунинг учун ҳам шоирки, у ҳамма нарсанинг руҳини сезади, тириклигини илғайди, ҳатто хазонлар ила хайрлашувга ҳам ўз ичидан оташин ҳиссиётлар топа олади.



Қалб ва қиёфа

Туни билан дарадаги қор
Кўчди қора жарликлар томон —
Туни билан юлдузлар чангин
Қорлар узра сепди ёш осмон.

Бу манзара ичидаги осмоннинг ёшлигини фақат шеър орқали ҳис этиш мумкин. “Ёш осмон” — ғаройиб топилма. Миллиард-миллиард йиллардан буён собит турган осмон шу тўрт сатрда маҳорат билан ифодаланган манзара ичида ҳақиқатан навқирон кўринади. Гўзаллик ва кўркамлик кўпроқ ёшликка хос. Шоир фавқулодда сезги ила “ёш осмон”ни кўриб қолган. Бу кинодаги 25-кадрни илғаб қолиш каби нозик жараён, яъни видеотасвирдаги бир секундлик воқелик 24 та кадрда ифодаланади. Бироқ 25-кадр ҳам бор, уни ҳеч ким кўз билан илғай олмайди.

Туни билан боқиб интизор
Кутиб олдим баҳор офтобин.
Аммо олиб келмади баҳор
Мен унутган сўзлар китобин.

“Мен унутган сўзлар китоби”да шоирнинг ҳаёт йўллари билан ватани ва халқининг тарихи, кечмиш-кечирмишлари туташиб кетади. Ушбу мўъжазгина шеър ниҳоятда нозик кечинмалар ила бошланиб, бутун бир миллат дардини ифодалаган туйғулар билан якунланади. “Роман тўрт сарт шеърдан иборат бўлиши керак” (Тагор). Айтиб ўтганимиз каби, бу авлод шоирлари тирик ғояларга айланган шоирлар эди. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бир шеъридан, ҳар бир сўзидан миллат қайғусининг таъмини, озодлик туйғусининг бўйини сезса бўларди.

Хуршид Давроннинг асосий ижод қоидаларидан бири — шеърда Ватан бўлиши керак! У бир майса тимсолида акс этадими, тупроқ мисолида намоён бўладими, бир дарахт тасвирида кўринадими, дарё каби шовуллаб овоз берадими, қандай бўлмасин, шеърда ватан бўлиши керак! Бироқ бу рамз унинг шеърларига сира зўрма-зўраки киритилмаган, балки шамол каби эркин, муҳаббат каби самимий, виждон каби ҳалол кириб борган.

Усмон Носир, Ойбек ва Бобур,
Мен сиздан кўп ўргандим, бу рост.
Лекин шеърда устоз йўқ... Бордир
Фақат виждон —
Энг буюк устоз.

Сулаймон пайғамбар: “Бор кучинг билан қалбингни ҳимоя қил!”, деган. Эҳтимол, шеърият айнан қалб муҳофазаси учун ҳаёт майдонига келгандир. Айтганларидай, шеър, аввало, туйғу тарбияси билан шуғулланар экан, шунинг ўзи инсон қалбини ҳимоялашнинг муҳим асосидир. Одамнинг туйғулари қанча юксалса, қанча камол топса, кейин уни енгиб бўлмайди. Чунки унинг ичида муҳаббат вояга етган бўлади.

Ҳей, кўксим асири, қушча, алданма,
Бу олов ўзгадир,
Бу сас ўзгадир.
Сен уни тинглама, унга тиланма,
Сен қора дунёни чиқиб ўзгартир.

Эшқобил ШУКУР

БУЮКЛИКНИНГ СИРИ НИМАДА?

Бундан уч йил аввал таниқли адиб Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Ёруғлуғ” номли китоби (“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 2006) нашрдан чиққан эди. Бу ҳақда газетамизда адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуровнинг “Ёруғлуғ” китобини ўқиб” сарлавҳали мақоласи ҳам босилган эди.

Яқинда муаллиф “Ёруғлуғ”нинг тўлдирилган иккинчи нашрини ҳам тайёрлади. Қуйида ушбу китобнинг айрим янги саҳифаларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

НАЗМ ВА НАСР БЎЛИМИ

АВЛОДЛАР ВА АЖДОДЛАР СИЛСИЛАСИ

Ўзбекларда 3, 7, 9, 40 рақамларига хислатли деб қаралади. Жумладан, 7 рақами халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарида акс этиб, турмуш тарзи ва руҳиятига сингиб кетган. Масалан, “Етти мўъжиза”, “Етти хазина”, “Етти фалак”, “Етти сайёра”, “Етти қават ер ости”, “Етти дўзах” каби ибора ва тушунчалар бор. Дафн маросимида тобутни етти қадам кўтариб борилади, гўрга етти белкурак тупроқ ташлаш одати бор, Каъбанинг атрофи етти марта айланилади.

Ой чорак фазада етти кунда алмашади, ҳафта етти кундан иборат. Бизнингча, етти рақамининг муқаддас саналишига ана шу коинот билан боғлиқлик омил бўлгандир.

Халқимиз удумига кўра, ҳар бир киши етти пуштини билиши шарт. Етти пушт шундай номланади: *фарзанд, набира, эвара, чевара, кавара, бувара ва бегона.* Лекин ҳозирги сўзлашувда *фарзанд, набира, эвара ва чевара* сўзлари ишлатиладию, лекин *кавара, бувара ва бегона* (бу ўринда *бегона* сўзи ёт маъносида эмас) сўзлари қўлланилмайди. Ҳаттоки бу сўзларни бош жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”дан ҳам тополмадик.

Хўш, аждодлар силсиласи қандай номланади? Биз билганимиз: *ота-она, бобо ва буви, катта бобо ва катта буви...* Ундан уёғини луғатлардан ҳам тополмадик. Масалан, еттинчи аждод нима деб аталади?

БУЮКЛИК НИМА?

Матбуот хабарларига кўра, АҚШда бўлган кимошди савдосига ҳинд халқининг улуғ фарзанди Маҳатма Гандининг шахсий буюмлари — кўзойнак, кийилган чориқ, чўнтак соат ва мўъжазгина мис пиёла қўйилган. Бошида 30 минг долларга сотиш мўлжалланган бу буюмлар фавқулодда икки миллион долларга баҳоланган. Айтишларича, сахий харидор орқасида Ҳиндистон ҳукумати турган экан.

Бу воқеа кишини ўйга толдиради. Хўш, Ганди сингари инсоният ёдида абадий қолиш учун қандай фазилатлар соҳиби бўлиш керак? Ўзидан ёдгорлик бўлиб қолган оддий буюм ва ашёлар табаррук ҳисобланиб, қадрланиши учун қандай яшаб ўтиш, ўзларидан нималар қолдириш лозим экан? Албатта, миллиард-миллиард доллар қолдиришнинг ўзи етарли бўлмас... Бунда асосийси — кишининг халқига, Ватанига ва, албатта, бутун инсониятга қилган яхши хизматлари мезон бўлса керак. Буюкликнинг сири шу эмасми!

Яқин ва ўзоқ ўтмишимизга назар солсак, ўзбекларнинг ҳамма даврларда ҳам бирдек буюк бўлиб қолаверадиган ўлмас сиймолари кўп. Масалан, ўтган асрда яшаб ижод қилган Абдулла Қодирийнинг беқасам тўнини, Ғафур Ғуломнинг дўпписини, Ойбекнинг кўзойнагини кўзларга тўтиё қилгувчи қадршунос мухлислари бор.

Адабий ўйлар

ГУМОН

Жуда нозик ва инжа тушунчалардан бири гумондир. Ҳаётда бирор кишининг тўғрилигига, бирор нарсанинг ҳаққонийлигига шубҳа билан қараш ҳолатлари бўлиб туради. Бирор киши ёки нарса ҳақидаги тасаввур ноаниқ бўлганда, уларга тахминли ишора қилиб, *аллаким, аллаанима, кимдир, нимадир, қандайдир* каби сўзларни қўллаймиз. Баъзан эса, ўша киши ёки ўша нарсани билсак-да, эҳтиёт чораси сифатида, келгусида зиммамизга тушиб қолиши мумкин бўлган масъулиятдан сақланиш мақсадида атайин тусмоллаймиз. Демак, гумонсирашда ҳам икки ҳолат бўлар экан: биринчиси, киши ёки нарса ҳақидаги тасаввурингиз ҳақиқатан ҳам ноаниқ ва шубҳали; иккинчиси, тасаввурингиз аниқ, лекин ўзингизни гумонсираётган қилиб кўрсатасиз. Одатда, ўта эҳтиёткор одамлар, айниқса, сутдан оғзи куйиб, қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган бўлиб қолган кишилар шундай йўл тутадилар. Бироқ сезгир одам суҳбатдоши қайси ўринда ҳақиқатан ҳам гумонсираётир-ку, қайси ўринда ўзини гумонсираётган қилиб кўрсатишга интилмоқда, дилида сезиб туради. Шу ўринда халқимизнинг ушбу мақолини эсга оламиз: “Олим олдида тилингни тий, авлиё олдида дилингни ҳам тий”. Улардан биринчиси нима демоқчи бўлганингни, иккинчиси эса дилингдан кечаётганини ҳам билиб туришади-да.

ДАХЛДОРЛИК

Бирор иш-ҳаракатга, жараёнга алоқадорликка, шунингдек, шерикликка нисбатан дахлдорлик дейилади. Ҳар бир балоғатга етган, онгли инсонда оиласига, яқинларига, халқига, Ватанига, давлатига ва давлатининг гуллаб-яшнашига дахлдорлик туйғуси муайян даражада бўлади — бировда кучли, бировда ҳаминқадар. Ҳатто баъзиларда бундай туйғу сира ҳам бўлмаслиги мумкин. Бу ҳақда сўз бошласангиз, уларни эсноқ тутади.

Умуман, Ер юзида яшаётган бутун инсоният бир-бирига бевосита ва билвосита дахлдордир. 2009 йилдан бошлаб матбуотда бонг урилаётган жаҳон иқтисодий бўҳрони ҳаммага тааллуқли бўлмоқда. Тошкентнинг 2200 йиллиги дунё миқёсида нишонлана бормоқда. 2009 йилнинг апрелида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Тошкент шаҳрининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасига бағишланган тантанали анжуман бўлиб ўтди. Бу яхши, албатта. Тошкент Ўзбекистондаги барча халқларнинг, ер юзидаги барча ўзбекларнинг пойтахтидир.

Дахлдорлик лоқайдликнинг зиддидир. Эл-юртига, Ватанига дахлдорлик туйғуси етук фуқароликнинг бир белгиси эмасми, аслида.

“ЗАБОНИМ ҚУШИ УЛ ХИРМАНДИН ДОНАЧИН ЎЛДИ”

Бошланиши биринчи саҳифада.

Домласининг оқилона муносабати Зокиржоннинг келгусидаги бутун фаолиятида, айниқса, буюк Навоий анъаналарининг бетакрор давомчиси ва камол топтирувчисига айланишида алоҳида аҳамият касб этган.

Дастлабки вақтларда ҳазрат ижодига тақлидий муносабатда бўлган, кейинчалик эса, поғонама-поғона юксалиб, ўз буюк устози билан бемалол мусобақалашиш даражасига етган Зокиржон Фурқат ижодининг бу жиҳати кўп томонлама ва мураккаб бир жараённи ташкил этади. Узоқ давом этмаган тақлидий ёндашув даврида Фурқат Навоий қўллаган тайёр тимсол ва ташбеҳларни, шеърий санъатларни олиб, уларга ўзича оро беради, ўқувчида янги туйғулар пайдо қиладиган чизгилар киритади. Лекин Навоийга шогирдликнинг ўша илк давридаги маълум даражада тақлидий ижод намуналари ҳам унинг ўзигагина хос улкан истеъдоди, аруз вазни сирларидан пухта хабардорлиги туфайли каттагина таъсир кучига, эҳтиросларга эга бўлган ва оддий шеърият ихлосмандларинигина эмас, балки ўша давр пешқадам ижодкорларининг ҳам эътиборини қозонган, уларда ҳавас туғдирган, ҳатто Фурқат Навоий ғазалларига қилган татаббуларига тахмислар боғланишига олиб келган ҳоллар ҳам бўлган. Шу ўринда Фурқатнинг Навоий ғазалларидан бирига қилган татаббусини мисол келтириш мумкин. Ҳазратнинг «ўлтурғуси» радифли ажойиб ғазали кенг ўқувчилар орасида алоҳида шуҳрат топганидан ташқари, ўз замонасининг энг етук бастакор ва хонандалари қалбига ўт солиб, тез орада шуҳратига шуҳрат қўшилганлиги маълум. Ёш шоир Зокиржон буюк устоз меросига маҳлиё бўлиб, уни кеча-кундуз тинимсиз мутолаа қила бошлаган йилларда ҳам “Ўлтурғуси” қўшиғи каттакатта давраларда Фарзинхон, Макайлик, Абдуқаҳҳор, Мадумар ҳофиз сингари фарғоналик хонандалар, Мулла Тўйчи ҳофиз, Абдулла булбул тахлитидаги Тошкент хонандалари томонидан завқ-шавқ билан ижро этилар эди. Ҳазрат Навоий девонларини мутолаа қилар чоғида Фурқат эътиборини жалб этган ғазалларининг бири ҳам “Бадоеул васат”дан ўрин олган худди шу “Ўлтурғуси” радифли ғазал эди. Ғазал “Чор девон”нинг учинчи китобига киритилганининг ўзи ҳам ноёб санъат намунаси ҳазрат камолот чўққисига кўтарилган бир аснода яратилганидан далолат беради. Шунга қарамай, Зокиржон Фурқат ўз “Аҳволот”ида қайд этганидек, Муҳйи, Муқимий, Завқий, Нисбатийлар билан биргаликда Қўқон адабий муҳитида ижод этган қизғин дамларда ёш шоир буюк устозининг худди шу ғазалига татаббу битишга жазм қилганлигининг ўзи, айниқса, эътиборга лойиқдир. Ўша вақтда 25 — 27 ёшларда бўлган Фурқатнинг бу татаббуси Қўқонда ҳам, ундан олис-олисларда ҳам шунчалик кенг шуҳрат топадики, ўнларча йирик хонандалар уни энг суюкли хонишларидан бирига айлантириб оладилар. Янада характерли бир жиҳат шуки, Фурқатнинг буюк замондоши ва энг қалин дўсти Муқимий “ўлтурғуси” радифли ғазалига тахмис боғлашга камарбаста бўларкан, буюк Навоий ғазалини эмас, балки ўз қаламкаш дўстининг бу ғазалига қилинган татаббусини танлайди. Муқимийнинг бу ишидан у ўз ёш дўстини Навоийдан ҳам ортиқ кўрган эди, деган хулоса чиқмайди, албатта. Унинг бу тантилигида Зокиржон Фурқатни буюк Навоийнинг энг истеъдодли, энг муносиб давомчиларидан бири сифатида мардона тан олганини кўриш мумкин, деб ўйлаймиз.

Зокиржон Фурқатнинг ўзи эса, даҳо устоз меросининг энг ноёб намуналарига қайта-қайта мурожаат этиб, ўқувчи тасаввурини лол қолдирадиган беназир тимсоллар топишга, ҳазрат Навоийдек тенгсиз қалам соҳиби билан энг яхши маънода мусобақалашувга уннаб кўради. Энди у Навоий назмида чўққи ҳисобланган қанчадан-қанча тимсолларга янгича муносабатда бўла бошлайди, уларнинг даҳо ижодкор асарларида пинҳон қолган янги-янги қирраларини очиш даражасига етади.

Ҳазрат Навоийнинг “айлаб” радифли шоҳ ғазалларидан бири қарийб беш аср мобайнида қанчадан-қанча азамат шоирларни лол қолдирганининг, улар буюк устознинг бу ғазалига неча-неча тахмислар, татаббулар қилганликларининг ҳисобига етиш ҳам амри маҳолдир. Аммо ана шу ижод маҳсуллари орасида Зокиржон Фурқат боғлаган тахмис билан бемалол рақобат қиладиган бирор асар топилмаса керак. Чунки Фурқат тахмисида ҳар бир банд гўё ҳазрат Навоий қалбидан кечган, аммо ўқувчилардан маълум даражада пинҳон қолган ғоят зарур ва нозик туйғуларни ўқувчи тасаввурларида ҳайратомуз бир маҳорат билан гавдалантиради. Мана, ғазал матлаъи бўлмиш илк байт:

Тун оқшом келди қулбам сори
ул гулруҳ шитоб айлаб,
Хироми суръатидин юз уза
хайдин гулоб айлаб.

Кўриниб турибдики, ҳазрат Навоий маҳбубанинг тун оқшомдаги шитобкорлик билан, вужуди терга ботган тарзда ошиқ кулбасига кириб келиш ҳолатидан гап бошлайди. Лекин Фурқатни маҳбуба ошиқ кулбасига кириб келгунига қадар унинг севгилиси қай алфозда бўлганини ўқувчига кўратиш ҳам жуда-жуда қизиқтиради ва гапни худди шундан бошлайди:

Кўнгилда орзуйи васл ул олийжаноб айлаб,
Ётиб эрдим фироқ андуҳи жонимга азоб айлаб,
Баногоҳ гул юзига сунбули зулфин ниқоб айлаб...

Бинобарин, маҳбуба ошиқ кулбасига кириб келгунига қадар фироқ андуҳи жонига азоб берган ошиқ унинг васлини астаҳидил орзу қилиб ётган бир алфозда, яна сунбул зулфини гул юзига ниқоб қилган ҳолда, бунинг устига тўсатдан кириб келган. Тахминнинг бошқа бандларида шоҳ ғазалга янада мукаммаллик бахш этувчи, ноёб тимсолларни тиниқлаштирувчи, моҳиятини янгича кўриш билан ўқувчининг “Офарин!” дейишига сабаб бўлувчи беназир мисралар моҳирлик билан пайвандланган. Фурқатнинг бетакрор санъаткор сифатидаги кучи шундаки, у Навоий яратган энг кўркам тимсолларнинг ҳам янги томонларини очишдан, керак бўлганида уларни инкор этиб, уларга янгича моҳият киритишдан чўчимайди. Буни Навоийнинг худди шу ғазалидаги:

Қуёшдек чеҳра бирла тийра
кулбам айлагач равшан,
Менга титратма тушти зарра
янглиғ изтироб айлаб —

байтига Фурқатнинг муносабатида, айниқса, яққол кўриш мумкин. Ошиқнинг қоронғу кулбасига қуёш чеҳрали маҳбуба кириши биланоқ у изтиробдан зарра янглиғ титратмага тушиши билан боғлиқ доҳиёна, тенгсиз тимсол ҳар қандай забардаст шоирни ҳам ҳайрат мақомида қолдириши, бу таассурот уни неча-неча кечаларни бедор ўтказишига сабаб бўлиши тушунарли бир ҳолдир. Ғазални ўқиган Фурқат ҳам шу алфозда бўлганини мантиқ тақозо этади. Бироқ Фурқатнинг Фурқатлиги шундаки, у ҳар қандай ҳайрат маҳбуба ошиқ кулбасига кириб келиши ошиқни оҳиз бир заррадек титроққа солгани ҳақидагина гап боради. Фурқатга келсак, маҳбубани қуёшга, ошиқни заррага ўхшатиш ҳам шоирни қониқтирмайди. Буни қарангки, Фурқат тасвиридаги маҳбуба заррин либосда, самандини ўйнатиб чиқаркан, оламни нурга тўлдириб турган қуёшнинг ўзи заррадек бекарор титроққа тушади.

Буюк шоирнинг бошқа кўплаб бетакрор ижодий тимсоларига ҳам Фурқат моҳият эътибори билан улардан бутунлай фарқ қиладиган, ўқувчи титроқ қалб билан қабул қиладиган янгиликлар киритади. Навоийнинг бир ғазалидаги:

Эй Навоий, борди деб аҳбоб таъжил этма кўп,
Ит киби мен иришиб ул корвонни бораман —

деган беназир тимсол ҳам Фурқат қалами қудрати билан юксакликка кўтарилганининг, янгича куч-қудрат касб этганининг гувоҳи бўламиз. Унда Навоий ўз лирик қаҳрамонини дўстлар томонидан ташлаб кетилган, бироқ вафодорлиги туфайли ўша дўстлар карвонини кўзлаб бораётган ит тимсолида тасвирлаб, ўқувчилар ақлини лол қолдирганлиги маълум. Ана шу бетакрор тимсол Фурқатнинг бутун ҳаловатини йўқотиб, кечакундуз хаёлини банд этади. Фурқат ўз буюк устози яратган ўта ҳазин тимсол билан беллаша оладиган, унинг янгича талқинини яратадиган тимсол яратиш учун бир эмас, бир неча йил фидойиларча меҳнат қилган кўринади. Зотан, шоирнинг турли даврларда яратган турли ғазал ва мухаммасларида бу ноёб тисолнинг турлича товланишларига дуч келамиз. Мана, уларнинг баъзилари:

Саги аввора янглиғ бормоғим
қайда билолмасмен,
Қачон бўлғайки топгайман
йўқотган корвонимни.

* * *

Адашган ит каби Фурқат
қаён борғум билолмасмен,
Қачон бўлғайки топгайман
хабар ёру диёримдан.

Бу икки байтдаги карвонидан адашган оввора ит тимсолининг ўзида янгиликлар бор, албатта. Негаки Навоий байтида тасвирланган аянч аҳволдаги итнинг олдида у қоралаб бориши мумкин бўлган карвон мавжудлигининг ўзи ит қифасида тасвирланган лирик қаҳрамон учун маълум даражада енгиллик туғдириши турган гап. Лекин синчков Фурқат бу янгилик билан чекланмайди. қайта-қайта қилинган оғир машқлар шоирнинг ўзини ҳам ҳайратга соладиган кашфиётларга олиб келади. Мана ҳар қандай ўқувчи қалбини ларзага соладиган ўша байт:

Югурсам ҳар тарафға айб қилманглар
бу водийда,
Мисоли телба итмен
корвонидин адашганман.

Буни қарангки, Фурқатнинг олдинги байтларидаги карвонидан адашганига урғу берилган оддий ит тимсолидаги лирик қаҳрамон энди бутун водийнинг у бошидан бу бошига сарсари югурувчи телба ит ҳолатида намоён бўлаяпти. Бундай даҳшатли манзарани Фурқатчалик тенгсиз куч билан, бу қадар бетакрор тасвирлаган бошқа бир санъаткорни ўзбек шеърияти тарихи ҳануз билмайди.

Буюк Навоий мактабидан олинган бу бебаҳо сабоқлар, бунинг устига Фурқатга Аллоҳнинг ўзи ато этган тенгсиз истеъдод уни санъаткор сифатида жуда ҳам юксакликка кўтариб юборди. Энди у фақат Навоийгина эмас, балки бутун Шарқ адабиёти гигантлари яратган, буюк кашфиёт даражасидаги тимсолларнинг янги-янги қирраларини очиш, ҳатто бутунлай рад этиш орқали, ғоят бетакрор, таъсир кучи беназир тимсоллар яратишда ўзига замондош энг йирик санъаткорлардан ҳам илгарилиб кетади. Масалан, маҳбуба чеҳрасини гулга, лолага, қаддини шамшодга, жаннат дарахти тўбига, рафторини товусга ташбеҳ этиш орқали ўқувчи қалбини ром этувчи манзаралар яратиш, асрлар давомида мумтоз адабиётимизда кўркам анъана бўлиб келган. Бироқ Фурқат бу анъана доирасини дадил ёриб чиқади, ўша анъанавий ташбеҳлар асосида яратилган ғоят таъсирчан тимсолларни рад этиш, уларнинг айни акси бўлган тимсоллар оламини ўз ўқувчиларига тақдим этиш йўли билан ҳайратомуз кашфиётлар қилади. Мана, шундай тисоллар намунаси бўлган бир ғазалнинг икки байти:

Бенгзар нечун руҳингга сақро юзинда лола,
Қолғон қазо чўлида бир қон юқи пиёла.
Тўбиға этти ташбеҳ, жоно, қадингни восиф,
Билмай бу боғ сарвин бенгзартти эски тола.

Шеърий парвоз, шоирона идрок юксаклигини қарангки, не-не беназир маҳбублар чеҳрасига ташбеҳ этиш ифтихор ҳисобланган ял-ял ёниб турган лола буюк Фурқат қалами кучи билан қазо чўлидаги қон юқи пиёла шаклини олса, маҳбуба қаддини жаннат оғочи тўбига тенглаштириш не-не шоирлар учун кашфиёт ҳисоблангани ҳолда, Фурқат севгилисининг беназир қоматини тўбига ўхшатишни асл нафосат тимсоли бўлган сарв дарахтини эски, чириган толга тенглаштиришдек номақбул бир иш, деб ҳисоблайди.

Фурқат буюк Навоийдан ташқари ҳам кўҳна Шарқ шеъриятининг азалий намояндаларидан ўрганиб, яна бунинг устига Оллоҳ ато этган туғма истеъдоди кўмагида яратган кўркам тимсолларнинг, бу тимсолларда яққол намоён бўлган асл шоирона парвозларнинг чегараси, ҳадди-ҳудуди йўқ. Улар ҳали кўплаб янги-янги тадқиқотларга мавзу бўлиши муқаррар, деб ўйлаймиз.

Шариф ЮСУПОВ

Ўзбекистон халқ шоири Александр ФАЙНБЕРГ



Кўп миллатли Ўзбекистон адабиёти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ шоири Александр Аркадьевич Файнберг узоқ давом этган хасталикдан сўнг етмиш ёшида вафот этди.

А.Файнбергнинг мумтоз шеъриятнинг энг яхши анъаналари руҳида яратилган ва Ўзбекистон заминига муҳаббат туйғуси билан йўғрилган бетакрор ижоди адабиётимиз тарихида ўзига хос ёрқин саҳифани ташкил этади.

1939 йилда Тошкентда туғилган шоирнинг болалик даври Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларига тўғри келди. Ҳаёт синовлари, бағрикенг ўзбек халқининг меҳр-оқибати унинг қалбида муҳрланиб, кейинчалик ижодида юксак бадиият билан акс эттирилди.

Еттинчи синфни битирганидан сўнг Тошкент топография техникумига ўқишга кирган А.Файнберг геолог ходим сифатида ўлкамизни кезиб, унинг гўзал табиатига меҳр қўйди. Ёш шоирнинг “Велопойгалар” деб номланган дастлабки тўпламлари айни шу даврда нашр этилди ва Александр Файнберг номини Ўзбекистон адабиётининг олдинги сафларига олиб чиқди.

Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факултетини тугатгач, А.Файнберг адабий жараёнда фаол иштирок эта бошлади. Бирин-кетин шоирнинг “Этюд” (“Лавҳа”), “Мгновение” (“Лаҳза”), “Печать небосклона” (“Осмон тамғаси”), “Далекое мосты” (“Олис кўприклар”), “Короткая волна” (“Қисқа тўлқин”) каби ўндан ортиқ шеърий тўпламлари нашр этилди. Истеъдодли шоир қалами билан битилган бу асарлар адабий жамоатчилик ва шеърият ихлосмандларининг меҳрини қозонди.

А.Файнберг Алишер Навоий асарларининг рус тилидаги ўн жилдли нашрини тайёрлашга катта ҳисса қўшди. У, шунингдек, замонавий ўзбек шеъриятининг энг яхши намуналарини рус тилига маҳорат билан таржима қилди. Ўз навбатида шоирнинг кўплаб шеърлари ўзбек тилига ўгирилди ва шу туфайли у ўзбек китобхонларининг севимли ижодкорига айланди.

А.Файнберг моҳир кинодраматург сифатида ҳам ўз истеъдодини намоён этди. Унинг сценарийлари асосида бир қатор мазмунли бадиий ва ҳужжатли филмлар суратга олинган.

Шоирнинг сўнгги йилларда нашр этилган “Лист” (“Япроқ”), ўзбек тилидаги “Чигир” тўпламлари ҳамда ўзбек тилидан рус тилига таржималардан ташкил топган “Лебединая стая” (“Оққушлар”) тўплами унинг ўзига хос ижодий сарҳисоби сифатида майдонга келди.

А.Файнбергнинг кўп миллатли ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”, “Ўзбекистон халқ шоири” фахрий унвонларига сазовор бўлган ижодкор эди.

Ажойиб шоир, моҳир таржимон, меҳрибон устоз, самимий инсон Александр Аркадьевич Файнбергнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Ўзбеккино” миллий агентлиги

САДОҚАТЛИ ДЎСТ ЭДИ

Александр Файнберг етук шоир эди. Марказий Осиё минтақасида, қолаверса, умум русийзабон шеъриятда унга тенг келадиган истеъдод камдан-кам топилади. Ижодкор эди.

Александр Файнберг Ўзбекистонда туғилиб ўсди, биз ниманики ҳис этсак, у ҳам шуни юрагидан ўтказди. Садоқатли, ҳалол бу шоир ўзбек адабиёти учун қўлидан келганича хизмат қилди, энг яхши шеърларимизни таржима қилишдан чарчамади. Биз ҳам унинг асарларини муттасил таржима қилиб ўзбек китобхонларига етказиб турдик.

Айтиш мумкинки, рус шеъриятининг барча фазилатлари унинг ижодида намоён бўлиб турар эди. Файнберг Бродский, Вознесенскийлар турган адабиёт шоҳсупасига етишиб ижод қилди.

Унинг таржимаи ҳоли ҳам кўпчилигимизнинг ҳаёт йўлимизга ўхшаш. Файнбергнинг отаси совуқ мафкура томонидан қатағон этилган, онаси эса жуда узоқ йиллар Ёзувчилар уюшмаси идорасида оддий хизматчи бўлиб ишлаган. Ўша йиллари Сашанинг болалиги уюшма даргоҳи билан бевосита боғланиб кетган эди. Ҳа, ўша болакай бора-бора Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнбергга айланди. У дуч келган шеърни таржима қилавермасди. Гоҳида бўш-баёв асарларни мажбурият юзасидан таржима қилса, бу ишидан узоқ вақт изтироб чекиб юрарди.

Александр Файнберг инсон сифатида ҳам ғоят ўзига хос эди, дадиллиги, софдиллиги, ростгўйлиги билан ажралиб турарди. Афсуски, шахсий ҳаёти кемтик бўлиб, фарзанд кўриш насиб этмади. Бироқ, уни ажойиб рафиқаси Энгга доимо бошида кўтариб юрди, қўллаб-қувватлади.

Александр Файнберг оригинал шеърлар ва таржималардан ташқари, кўплаб киносценарийларнинг муаллифи ҳамдир. Унинг сценарийлари асосида анчагина асарлар суратга олинган. Шоир адабиёт жараёнида фаол иштирок этди, русийзабон шоир ва ёзувчиларнинг асарлари муҳокамаси, албатта, Файнбергсиз ўтмасди. У Ёзувчилар уюшмаси рус адабиёти ҳамда “Звезда Востока” журнали жамоатчилик кенгашларининг раиси сифатида узоқ йиллар самарали фаолият олиб борди. Эсимда, Ўзбекистон халқ шоири унвони берилганда у ниҳоятда қувонган эди. Ўқтин-ўқтин мен қарздорман, деб қўярди. Бу инсофли ва диёнатли инсон ҳаётнинг турли шабадаларига йўлиққанда ҳам ўзини у ёқбу ёққа ташламади. У, айниқса, она шаҳри Тошкентни ғоят севар эди. Кўпгина халқаро адабий анжуманларда Файнбергнинг номи биринчилардан бўлиб қайд этилган. Унинг Россия Федерацияси Пушкин медали билан тақдирланиши, албатта, бежиз эмас.

Ҳаёт ҳамиша ўз ҳукмини ўтказиб келган. Унинг айрилиқлари ва йўқотишлари ҳам бор. Атоқли шоир, камтарин инсон Александр Файнберг бу ёруғ оламни тарк этди. Бироқ шоир асарларининг умрбоқийлигига ҳеч бир шубҳа йўқ.

Абдулла ОРИПОВ

Улуғ шоир Мақсуд Шайхзода аслиятдан таржима қилган «65 шеър»(1962) тўпламига Нозим Ҳикмат ёзган сўзбошисида ўзбек китобхонининг бадиий савиясига бўлган ҳурмат-эҳтиромини шундай эътироф этганди: “Ўзбек шеър ўқувчисининг диди юксакдир. Буларнинг барчасини биламан, билганим учун ҳам унинг қаршисига юрагимни ҳовучлаб чиқмоқдаман”.

Таржима – юксак санъат

Дарҳақиқат, ўзига хос дунёқараши-ю кескин фикрлари билан дунё жамоатчилиги диққат-эътиборини тортган, атрофида ҳануз турли зиддиятли мулоҳазалар билдирилаётган мураккаб тақдир эгаси турк ёзувчиси Ўрхон Помуқнинг автобиографик «Истанбул: хотиралар ва шаҳар» романи таржимаси “Жаҳон адабиёти” журналининг ўтган йилги октябр — декабр ҳамда 2009 йилнинг январ ойи сонларида чоп этилиши кўпчилик қатори мени ҳам қувонтирди. Чунки Швеция Қироллик академияси матбуот анжуманида айтиб ўтилганидек: “Она шаҳрининг мунгли руҳиятини акс эттиришда маданиятлар ўртасидаги тафовутларнинг янги жилоларини кашф этган” муаллифнинг халқаро нуфузли Нобел мукофотига лойиқ кўрилган мазкур романини ўзбек тилида ўқишни кўпдан бери орзу қилиб юрардим. Айниқса, мазкур таржима собиқ шўролар тузуми давридаёқ «Ҳозирги замон турк шеърияти»(1980), «Аср овози»(1988) тўпламларидан жой олган жаҳон шеърияти намуналаридан қилган нафис таржималари билан ўзбек шеър муҳибларининг эътиборини қозонган шоир Миразиз Аъзам томонидан амалга оширилганини билиб, кўнглимда тағин бир илиқлик пайдо бўлди. Бундай улкан ишга жазм этган муҳтарам адибимизнинг журъатига таҳсин ўқиган ҳолда, холис ният билан таржима мутолаасига киришдим. Бироқ, афсуски, менинг бу қувончим узоққа чўзилмади. Сабаби... Тўғри, мен таржимашунос эмасман, аммо ўзбек ҳамда турк филологияси бўйича олган сабоғим ҳурмати таржимада йўл қўйилган кўплаб хато ва камчиликлардан кўз юмишни ҳам маъқул топмадим.

Аввало, шуни айтиб ўтсак: эҳтимол, қардош ёки чет эл шеърияти намуналарини таржима қилганда, имкон қадар матн вазни ва оҳангини сақлаб қолиб, обрў олиш мумкиндир, аммо муайян бир насрий асар таржимасига қўл урилганда бундай йўл билан олқишга умидвор бўлишнинг иложи йўқ. Чунки насрий асар таржимасида асл матн тили таржима тилининг адабий нормалари, грамматик қонун-қоидаларига тўла бўйсундирилади. Акс ҳолда, на асл матн жозибасига, на таржима қилинаётган тил нафосатига эришиб бўлади. Қолаверса, хоҳ назмий, хоҳ насрий бўлсин, ҳар қандай асар таржимаси ҳам санъат, тўғрироғи, ижод маҳсули ҳисобланади. Унга ана шу нуқтаи назардан ёндашилмас экан, кўзланган мақсадга эришиш душвор.

«Истанбул: хотиралар ва шаҳар» романи таржимаси, афсуски, деярли дастлабки, қоралама ҳолатда, яъни сўзма-сўз қандай ўгирилган бўлса, шундайлигича таҳрир қилинмай нашр этилган. Оқибатда ўзбек тили грамматик қонун-қоидалари, адабий тил меъёрларидан йироқ турк тили грамматикасига хос сўз бирикмалари, изофа ва феъл замонлари қўшимчалари, жумла қурилишининг айнан қўлланилиши, бир сўзнинг синонимини бўла туриб, қайта-қайта такрорланиши каби кўплаб камчиликларга йўл қўйилганини кўрамиз.

Сўзимизнинг исботи сифатида таржиманинг илк жумлаларига эътиборни қаратсак:

“Истанбул кўчаларининг **ичкарисидаги ерда,** бизникига **ўхшаган бир бошқа** уйда қошкўзидан тортиб оғзи-бурнигача ҳамма аъзоси **билан менинг ўхшашим,** эгизим, ҳатто худди ўзимдай бир бошқа Ўрхон яшашига **болаликдан бошлаб** узоқ йиллар **ақлимнинг бир чеккасида** иноиб юрдим. Бу фикр илк бора қаердан ва қандай қилиб **менга** келиб қолганини **эслаёлмайман**”.

Бизнингча, ушбу жумлаларни, жилла қурса, қуйидагича таҳрир қилишга зарурат бор:

“Истанбул кўчаларининг бирида бизникига ўхшаш бошқа бир уйда қошу кўзидан оғзи-бурнигача ҳамма аъзоси меникига менгзаган, эгизим, ҳатто худди ўзимдай бир бошқа Ўрхон истиқомат қилишига болалигимдан бери узоқ йиллар иноиб яшадим. Бу фикр хаёлимга илк бора қаердан ва қандай келиб қолганини эслай олмайман”.

Бошқа бир ўринда ҳам худди шундай услубий хатоликка йўл қўйилган:

“Қор **болалигим Истанбулининг** айрилмас бир қисми эди”.

Ушбу жумла *“Қор Истанбулда кечган болалигимнинг айрилмас бир парчаси эди”* тарзида таржима ёхуд таҳрир қилинганда тўғрироқ бўлармиди.

Мутаржим асарнинг журналнинг 2008 йил октябр сонида босилган қисмида турк тилидаги *маса* сўзига шундай изоҳ беради: «***Маса*** — арабча сўз бўлиб, *“стол”* маъносида ишлатилади». Ҳолбуки, *masa* — юнонча сўз бўлиб, туркчада ҳам *masa* тарзида ёзилади ва талаффуз этилади. Таржимон юқоридаги изоҳда мазкур сўзнинг ўзбек тилида фаол қўлланадиган муқобили гарчи *стол* эканлигига ишора қилса-да, бироқ таржимада кўп ўринларда негадир айнан *масо* шаклини қўллаб, тағин бир хатоликка йўл қўяди.

Турк удумига кўра, хотин кишининг эрига: *“Кўрдингми, Ойдин нима деганига қара”* қабилида мурожаат этиши табиий ҳол ҳисобланади. Ўзбек менталитетига ёт бўлган бундай мурожаатнинг таржимада айнан ўгирилгани ноўриндир.

«Истанбул: хотиралар ва шаҳар» романининг аслияти билан ўзбек тилидаги таржима матни қиёсланганда, турк тилидаги жуда кўп сўзлар ўзбек тилига хато таржима қилинганининг гувоҳи бўламиз. Мисол учун, турк тилида *хавотир, қизиқиш, истак, хоҳиш* маъноларини билдирувчи ***merak*** сўзининг ўзбек тилига *мароқ; зиёли, маърифатли* маъноларини билдирувчи ***aydn*** сўзининг ўзбек тилига *ойдин; кўникмоқ, одатланмоқ, ўрганиб қолмоқ* маъноларини билдирувчи ***alshmak*** сўзининг ўзбек тилига *олишмоқ* деб, яъни асл маънолари четда қолиб, хато бир тарзда ўгирилиши; *вулқон* маъносини билдирувчи ***yanardağ*** сўзининг ўзбек тилига тушунарсиз *ёнартоғ; нур, ёруғлик, чироқ* маъноларини билдирувчи ***Ishlk*** сўзининг ўзбек тилига *ишиқ; қишлоқ* маъносини билдирувчи ***köy*** сўзининг ўзбек тилига *қўй; енгил, осон* маъноларини билдирувчи ***hafif*** сўзининг ўзбек тилига *хафиф; омборхона* маъносини билдирувчи ***depo*** сўзининг ўзбек тилига *депо; ҳуштак, сигнал* маъноларини билдирувчи ***düdük*** сўзининг ўзбек тилига *дудук* тарзида, яъни таржима қилинмай айнан «ўгирилиши» таржима савиясининг янада пасайишига олиб келган.

Дарвоқе, фразеологик ибора, турғун бирикма, мақоллар, жуфт сўзлар ҳар бир тилнинг ўзига хослигини таъминловчи унсурлар ҳисобланади. Турк тилида ***siyahbeyaz***: *қора-оқ* шаклига эга бўлган жуфт сўзнинг ўзбек тилидаги муқобили *оқ-қора* бўлишига қарамай, асарда 5-бўлимнинг номи ҳисобланган ҳамда саҳифаларда 57 бор такрорланган ушбу жуфт сўз таржимада ҳам тескари: *қора-оқ* ҳолида ўгирилган.

Романнинг турк тилидаги матнида сифатдан олдин қўлланилиб, қучайтирув ҳосил қилган ***пе*** — *нақадар* сўзининг ўзбек тилига *на* — инкор юкламаси ҳолида таржима қилиниши оқибатида жумладаги асл маъно жиддий ўзгаришга учраган: *“Ғарблик кузатувчининг шаҳарни теран бир тарзда танқид* (аслида *тадқиқ* — **Ш.С.**) *қилиб ерга урган мақоласини унга қўшилиб ўқиш истаги менда ҳам бордир ва бу турдаги мақолаларни ўқимоқ Истанбулнинг на гўзал, на ғалати, на ҳайратланарли ва ўзига хос бир жой эканлигини такрорлаб турган Пиер Лоти каби ёзувчиларни ўқишдан кўра завқлироқдир”.*

Таржимада исм ва жой номлари ёзилишида ҳам қатъий бир изчиллик, тартибга амал қилинмаган: асл матндаги тарихий шахслар: ***Tanpınar*** – *Танпинарни* ***Тонгпинар; Yavuz*** – *Ёвузни* ***Явуз; Bayar*** – *Баярни* ***Боёр*** деб, ёки тарихий обида ***Ayasofya*** – *Аясофияни* бир ўринда ***Аё-София***, бошқа бир ўринда эса ***Айя-София*** кўринишида ўгиришга қандай ҳожат бор экан?

Хуллас, ҳар қандай асарнинг ўқилиши равон, жумлалари бадиийликка, экспрессив бўёқдорликка эга бўлгандагина китобхонни ўз ортидан етаклай олади. Бу талаб таржима асарлари учун ҳам асосдир. Акс ҳолда, “сурнайчидан бир пуф” қабилида иш кўриб, ўқувчини ора йўлда қолдиришдан ҳеч қандай наф йўқ.

Ёзишни ҳаётининг асосий мазмуни деб билган Ўрхон Помуқнинг барча мухлису мухолифлари томонидан якдиллик билан эътироф этилган энг муҳим ютуғи – адиб қандай мавзуга қўл урмасин, тилдан ниҳоятда усталик билан фойдаланиб, асарга жозиба бахш этишидир. Асарлари жаҳоннинг қиркдан ортиқ тилларига қайта-қайта таржима қилиниб, бир қанча халқаро нуфузли совринларга ноил кўрилишининг сабабларидан бири ҳам шунда. Таржимада ана шу жиҳатларга эътибор қаратилганда нур устига нур бўларди.

Шермурод СУБҲОН

КИТОБХОН ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Журналларни варақлаганда

Асарларининг мавзулари, ғоя ва характерлари ранг-баранглиги, сирли воқеаларга, бетакрор қаҳрамонлар, драматик тўқнашувларга, руҳий коллизияларга бойлиги билан жаҳонда кенг шуҳрат қозонган Луис Борхес ижоди аллақачон мумтоз адабиёт намуналари қаторида жой олган. Журналнинг шу йилги август ойи сонида ёзувчининг “Тармоқланган сўқмоқлар боғи”, “Қилич изи”, “Фунеснинг мўъжизавий хотираси” ҳикоялари русчадан Абдунаби Абдуқодир ва Маҳкам Маҳмуд таржимасида берилган. Фарҳод Жилоннинг тарихий “Маҳмуд Кошғарий” романи давомини ҳам шу сонда ўқийсиз.



Япон романтик шеъриятининг йирик вакили, янги — “синтайси” шеърий шаклига асос солган Самадзаки Тасоннинг “Навқирон ёшлигим — баҳорий кеча” деб номланган туркум шеърлари русчадан Файзи Шоҳисмоил таржимасида берилган. Шунингдек, оташин шоиримиз Бобораҳим Машрабнинг асрлар мобайнида севиб ўқилиб, севиб куйланиб келинаётган дилбар ғазаллари яна бир бор муштарийларга туҳфа этилгани қувонарли ҳолдир.

“Адабий ҳаёт”, “Адабий жараён” рукнларида умрини ўзбек адабиётини ўрганишга бағишланган забардаст америкалик олим Эдворт Олворт-нинг “Биринчи ўзбек драмаси” (инглиз тилидан Зулхумор Мирзаева таржимаси), Г.Горбовскийнинг “Қадрдонлар дийдорини кўмсаб” (Мирпўлат Мирзо таржимаси), А.Лестернинг “Ўтмишнинг ҳаққоний қиссалари” (Ойгул Суюндиқова таржимаси) ва Наим Каримовнинг “Дўстлик дарахтининг яшил барглари” мақолаларини ўқийсиз. А.Саидовнинг “Гёте — тафаккур шоири” мақоласида буюк олмон адиби ижоди ҳақида сўз юритилади. Ф.Эргашевнинг “Жаҳоннинг глобаллашув жараёни ва молиявий инқироз”, В.Поповнинг “Шарқ имконияти” публицистик мақолалари ҳам ҳозирги замоннинг долзарб муаммолари таҳлилига бағишланган.

“Мерос” рукнида Бурҳониддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асарининг охири берилган бўлса, саргузашт ва детектив адабиёт ихлосмандлари бу жанрларнинг машҳур вакилларидан бири Чингиз Абдуллаевнинг “Борса келмасдан қайтганлар” романини (русчадан Бахтиёр Ризо таржимаси) ушбу сондан ўқий бошлайдилар.

Ўзбек цирк санъатининг ютуқлари жаҳон санъат оламида аллақачон ўз эътирофини топган. Айниқса, кулги устаси Акрам Юсупов, дорбоз Тошкенбоевлар, чавандоз Хўжаев ва Зариповлар сулолаларини дунёнинг кўплаб мамлакатларида яхши биладилар. Биз сизга таништирмоқчи бўлган моҳир цирк усталаридан бири Қудрат Болтаев ана шу номлари келтирилган санъаткорлар билан бирга ишлаш бахтига мушарраф бўлган.

СУЛОЛА ДАВОМЧИСИ

Қудрат БОЛТАЕВ ҳаётидан лавҳалар

Ёш, бақувват курашчи ва оғир атлетикачи Қудрат Болтаев кўплаб даъвогарлар орасида танловда ғолиб чиқиб, циркка қабул қилинганди. Қизиқувчанлиги, ва истеъдоди билан жамоага тез киришиб кетган Қудрат ўшанда машҳур Акрам Юсупов билан жуфтликда иш бошлади. Иш жараёнида Тошкенбой Эгамбердиевнинг набираси Мамлакат Тошкенбоева билан биргаликда янги «Акробатик этюд» номерини яратди. Айнан шу номер билан улар бошқа цирк юлдузлари қатори ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталикларида қатнашадиган бўлди. Қудратнинг яхшигина овози борлигини билган режиссёр цирк дастурини янгича ташкил этди. Дастур Қудратнинг саҳнага оркестр жўрлигида Тошкент ҳақидаги қўшиқни айтиб чиқиши билан очилади. Қўшиқ асносида бутун гуруҳ саҳнага чиқади. Циркнинг кейинги гастроллари ҳам шу тариқа очиладиган бўлди. Қ.Болтаев деярли барча жанрларда чиқиш қиларди. Унинг ҳар бир номери (акробатик этюд, гумбазости учиш, акробат ва эксцентрик, дастур бошловчиси), Акрам қизиқ гуруҳидаги ишлари гулдурос қарсаклар остида ўтарди.

Душанбедаги гастрол вақтида бир воқеа рўй берди. Қудрат ўзининг чиқишини кутиб турарди. Манежда ниҳоятда узун ва улкан илонлар билан ишлаётган хитойлик машҳур илон ўргатувчи Ван-Ю-Лини баҳайбат илон бўғаётганини сезиб қолди. Ўргатувчининг юзлари кўкариб, кўзлари қинидан чиққудек бўлганини кўрган Қудрат чаққонлик билан аренага югуриб чиқди-да, баҳайбат илонни кучли қўллари билан томоғидан маҳкам ушлаб, бир силташда боши узра кўтарди. Томошабинлар ҳеч нарсани сезмай қолишди. Номер гўё ёш кучли атлетнинг даҳшатли куч билан тўқнашувдаги ғалабаси сифатида таассурот қолдирди.

Аренада эса Акрам Юсупов ва Қудрат Болтаев ўз номерлари билан томошабинни кулдиришда давом этдилар. Томошадан сўнг, бўлган воқеадан қаттиқ ҳаяжонланган Ван-Ю-Ли Қудратдан ўзининг энг қимматли илонини мукофот тарзида қабул қилиб олишни сўради. Унга қанча шон-шуҳрат келтирган илон билан бундан буён ишлай олмаслигини айтиб, Қудратдан илонни ўз қарамоғига олишни илтимос қилди. Бироқ илонлар ҳаётига яқин ҳам йўламаган Қудрат қимматбаҳо совғани рад этди.

Қудратнинг циркка муҳаббатини кўрган жамоа унга ҳар томонлама ёрдам берди. Ҳайвон ўргатувчи Верицкий уни ўз номерига қўшилишга таклиф этди. Яъни Верицкий ўргатувчи бўлади, Қудрат эса аренада айиқлар билан бирга чиқади. Бироқ бу янги номерда қатнашиш учун ўша вақтларда Москвадан рухсат сўраш керак бўларди. Ўзбек давлат циркининг янги аттракционга маблағ ажратиш ҳақидаги таклифига рад жавоби келди.

Қудрат шу вақтдан бошлаб цирк, ҳайвонот боғи ва ҳайвонлар театри иштирокида цирк томошаси яратиш орзусига тушиб қолди. Қаерда гастролда бўлса, ўша ердан ўз ҳисобига экзотик ҳайвонлар ва қушларни сотиб ола бошлади. Ўнлаб йиллар давомида дунёнинг турли бурчакларидан тўплаган ғаройиб ҳайвонларини муттасил тарбиялаб, улардан циркдаги ҳайвонлар театрининг "артист"ларини тарбиялади. Ўттиз беш хилдан ортиқ бу «артистлар» орасида африка шери, япон макакаси, жанубий америка ламаси ва анакондаси, уссурия йўлбарси, қизилқум эчкиэмари, чўл тулкиси ва бошқа жониворларни кўриш мумкин. Қ.Болтаев яратган қушлар оламига ҳавас қилса арзийди. Қушларнинг мусиқа оҳангларига монанд ҳаракатлари ҳар қандай одамни лол қолдиради. Лекин бу ҳайвон ва қушларни шу даражага етказиш осон кечгани йўқ. Бу жараён Қ.Болтаевдан катта жисмоний сафарбарликни, машаққатли ва масъулиятли фаолиятни талаб этди.

Манежда ёввойи ҳайвонлар билан ишлайдиган ўргатувчиларни кўп кўрганмиз. Бироқ ёввойи ҳайвон билан унинг қафасида ишлаш жуда ноёб ҳодиса. Қудрат Болтаев эса қўрқмасдан йўлбарс қафасига кириб, унинг бошини силайди ва қарсаклар остида, эҳтимол, дунёда биринчилардан бўлиб, қафасда театр саҳналарини намойиш этади. Мустақиллик шарофати билан Қ.Болтаев ўз ўйлаган ниятларини бемалол амалга ошириш имконига эга бўлди. Ўз «артист»лари билан юртимизнинг деярли барча гўшаларини кезиб чиқди. Андижонда «Ҳайвонлар цирки» барча мактабларда томошалар кўрсатган бўлса, Нукусдаги гастрол вақтида мусиқий шоуда иштирок этувчи ҳайвонлар ҳақида кўрсатувлар берилди. 2002 йили бу ажойиб театр мактаб ўқувчилари Универсиадасида қатнашди. Томошалар вақтида моҳир циркчи томошабинларга ҳар бир «артист» ҳақида муфассал маълумот бериб боради, қўл остидаги ҳайвонлар ва қушлар билан ўзаро муносабатда юксак этика, эстетика намуналарини кўрсатади. Унинг қўл остидаги ҳайвонлар атрофдагилар билан худди қадрдонлардек муносабатда бўладилар. Масалан, томошабинлар айиқ Машани мевалар билан сийлаганларидан сўнг, Қудрат аканинг илтимосига кўра, айиқ орқа оёқларида тик туриб, олд оёқларини томошабинларга чўзган ҳолда оғзини катта очиб ташаккур билдиради.

«Ҳайвонлар цирки»да ёш йигитчалар — актёрлар ҳам бор. Дилшод Саидов масхарабоз ва йога номерларини бажарса, Шоиржон Жалилов жонглёр ва гимнаст сифатида қатнашади. Қодиржон Мансуров ва Жасур Бектамишев бажарадиган номерлар ҳам ниҳоятда қизиқарли. Умуман, Қудрат Болтаев йилдан-йилга номерларни такомиллаштириб, болалар ва катталар учун бирдек қизиқарли томоша дастурлари тайёрламоқда.

Ҳозир анча ёшга бориб қолганига қарамай, Қудрат ака ҳамон сафда. Ҳайвонлари учун харидни бозордан ўзи қилади. Бундан ташқари, шаҳарма-шаҳар кўчиб юришларини айтмайсизми. Бир неча вагончалардан иборат кўчма цирк таркибида нималар йўқ, дейсиз: қафаслар, қурилмалар томошабинлар учун ўриндиқлар, цирк манежи тўсиқлари, реклама ашёлари ва ҳоказо... Бироқ Қудрат ака ҳар бир сафарни аниқ ва пишиқ режа асосида ташкил этганидан қийинчиликлар билинмайди. Матнларни Қудрат аканинг ўғли Руслан Болтаев ўзи ёзиб, ўзи тайёрлайди. У масхарабозлар гуруҳига раҳбарлик қилади. Гап-сўзлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Мустақилликнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан Қ.Болтаев ўз «Ҳайвонлар цирки» билан пойтахтимизнинг кўплаб майдонларида чиқишлар қилди. Ҳамма жойда уларни мамнунлик билан кутиб олдилар.

Қудрат Болтаевнинг бетакрор циркига янги ютуқлар тилар эканмиз, унинг азалий орзуси — Амударё бўйларида яшовчи ноёб йиртқич ҳайвонлардан бири бўлган, ҳозирда деярли қирилиб кетаёзган қоплонларни кўпайтириш орзуси амалга ошсин, деймиз.

Евгения ДМИТРЕНКО

ЖИЯНИГА ИЛҲОМ БЕРГАН САНОБАР ХОЛА



Сиз уни ҳар куни ойнаи жаҳонда кўравермайсиз. Ҳа деганда овозини радиотўлқинлари орқали тинглайвермайсиз. У ўзини кўз-кўз қилавермайди. Борлигини бот-бот эслатиб қўяди, холос. Бу хонанданинг қўшиқларини ойнаи жаҳонда намойиш этилган "Тараннум" кўрсатувида, жонли ижрода эшитгандим. Шунда унинг кўнгил сарҳадларидан отилиб чиқаётган дардли нолаларини тинглаб, кўнгил куйчиси экан, деб ўйлагандим.

Таниш ув

Саҳар туриб оламга боқ,
жилғалари равондур
Чарақлаган тоғлар боши
шомга бориб тумандир
Тойчоқларинг қаёндиру,
қулунларинг қаёндур
Кўрганларинг ўзингники,
кўрмаганинг гумондур.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид сўзи билан айтиладиган бу қўшиқда шоирнинг дарди хонанданинг дардига айланади. Оҳанг ҳам сўзга хос равишда жилваланади.

Инсон руҳиятига хотиржамлик ва оройиш олиб кирувчи бу қўшиқни тинглаган кишининг руҳияси бир қадар юксалиб, сокин туйғулар қуршовида қолади. Турмуш икир-чикирларига ўралашиб, яшаётган бир пайтда бундай қўшиқлар кўнгилларимизга ёруғлик олиб киргандай бўлади.

Баъзи хонандалар саҳнага қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-суронли мусиқалару тумтароқ сўзлар билан чиқаётган бир пайтда сингари санъатни қадрлайдиган, унга ҳурмат ва садоқат билан хизмат қилишга бел боғлаган хонандалар борлиги кишини қувонтиради.

Алишер Қосимов санъат оламига тасодифан келиб қолган эмас. Болалигида холаси Санобар Раҳмонова қўшиқлари унинг жажжи юрагида санъатга меҳр уйғотган бўлса, кейинчалик ҳассос санъаткорларнинг хонишлари, дардли қўшиқлардан таъсирланган. 1973 йили "Куйла, Санобар" филм-концертини суратга олиш жараёнида 5 ёшли Алишер ҳам суратга тушади. 6-синфда ўқиётганида "Онажоним, кўп яшанг" (Файзи Шоҳисмоил шеъри) қўшиғини мактаб саҳнасида куйлаб, устозлари ҳурматини қозонади. 8-синфда "Ўзбекистон — ватаним маним" кўрик-танловида қатнашиб, 3-даражали дипломга сазовор бўлади.

Алишер Қосимов 1986 йили Тошкент давлат маданият институтига ўқишга киради. Баъзан "Қўшиқ куйлаш учун ўқимаса ҳам бўлаверади, худо истеъдод берган бўлса, бўлди-да," дегувчилар топилиб қолади. Назаримизда, худо берган истеъдоддан тўғри фойдалана билиш, овоз имкониятлари устида ишлаб, ижро маҳоратини ошириш, санъатнинг сирсиноатларини ўрганиш учун устоз мактабини кўриш, мусиқий билимга эга бўлиш шарт. Бундан ташқари, саҳна одоби, муомала маданияти деган гаплар ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси ўқишни, билимли бўлишни талаб этади.

Алишер Қосимовнинг репертуарини кўздан кечирганда шунга гувоҳ бўлдикки куйга танланган шеърлар енгил-елпи эмас, тош босадиган, ўйлатадиган. Алишер Навоий, Ҳофиз Хоразмий, Огаҳий, Фурқат, Муқимий сингари мумтоз шоирларимиз ижодига ҳурмати баланд хонанданинг кўнглига Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо каби ижодкорларнинг шеърлари ҳам яқин. У бир қўшиғида "Дилингизда нечун торлик ва сирдур, қаранг, баҳор қандай ажиб тақдирдур", дея кўклам тароватини куйласа, бошқасида беминнат нур сочиб турган қуёшдан ибрат олиб яшашга ундайди. "Сизни соғиндим" қўшиғида хонанда болаликнинг масрур ва беғубор дамларини ички бир соғинч-ла эслайди, "Онажон" қўшиғида эса муҳтарама оналаримизни мадҳ этади.

Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб "Туғилмаган қўшиқларим" шеърида:

Биз баҳорга ошиқ бўлдик куздан узр,
Хазонларда қолиб кетган издан узр,
Ҳар не ўтса биздан ўтди, бизда гуноҳ,
Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр,

дея куйлайди. Шоирнинг қалб кечинмалари, изтиробли дардларини хонанда "ўзи"га ва ўзгаларга сингдиришга ҳаракат қилади. А.Қосимов шоирнинг ҳар бир сўзига ҳурмат ва эҳтиром билан ёндошади. Хонанданинг шеъриятни тушуниши, уни юракдан ҳис этиши қўшиқларидан аён.

Ижод неъмати ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Зеро, ижодкор ўзгалар дардига ва қувончига шерик бўла оладиган, ўксик қалбларга малҳам бўлишга қодир инсондир. Мумтоз ва лирик қўшиқлар ижрочиси Алишер Қосимовни ана шундай гўзалликка ошно қалбли инсонлар сирасига киритгимиз келади.

Хонанда бугун янги-янги қўшиқлар яратиш билан бирга, Бобур номидаги Андижон вилоят драма театри раҳбари сифатида ҳам самарали фаолият олиб боряпти. Хонанда учун қўшиқларини кутаётган муҳлисларининг борлигини сезиб яшашдан ортиқроқ бахт йўқ.

Матлуба ТЕМУР қизи

ШАҲАР ҚИЁФАСИ ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН

Ёзувчи Нодир Норматов биеннале директори Акбар Ҳакимовга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Бу галги биеннале мавзуси нега айнан "Шаҳар фалсафаси: антропологик ландшафт" деб аталди? Куни кеча Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг нишонланди. Балки, бу мавзу шу тадбирнинг мантиқан давоми сифатида танлангандир? Унинг тамойиллари нималардан иборат?

— V Тошкент халқаро замонавий биенналесида "Шаҳар фалсафаси: антропологик ландшафт" деган шиор етакчи ғояси сифатида танланиб, рассомларга лойиҳа сифатида тавсия этилди. Урбанизм муаммосини антропологик ва маданий-фалсафий жиҳатдан кўриб чиқиш имконини беради.

Бу ғоя шаҳарсозлик билан ҳам, замонавий тамаддуннинг долзарб муаммолари билан ҳам боғлиқ. Ҳаётимизнинг асосий воқеалари шаҳар муҳитида кечади. Айнан шу жойда оддий инсоний ҳолатлар ҳам, умумбашарий маънавий жараёнлар ҳам шаклланади.

— Агар эътибор берилса, Тошкент биеннаслари бошқа давлат биеннналеларидан тубдан фарқ қилади. Бу, аввало, тадбирнинг мақсади, йўналишида яққол акс этади...

— Жуда тўғри. Биз бу ерда, энг аввало, масалани бадиий воситалар талқинида тақдим этишни ўйладик. Бунда баъзи биеннналелардаги каби тижорат ёки сиёсий мақсадлар кўзланмайди. Маълумки, фалсафа тарихида урбанизм билан бир қаторда, унга қарамақарши, турли тарихий модификацияларга эга бўлган антиурбанизм тушунчаси ҳам шаклланган. Антиурбанизмнинг қадимий шаклларини биз қадимги диний қарашларда кўрамиз. Мисол учун, Кампанелланинг хом хаёли маҳсули — Қуёш шаҳри ёки инсониятнинг яшаши учун янги шаклларга йўналтирилган Говард шаҳарбоғи ғоясини олайлик. Бироқ, урбанизм-антиурбанизмнинг ҳақиқий зиддияти маърифат даври фалсафасида кўтарилди. Унда шаҳарга бўлган (Монтескье, Г. Гердер) оптимистик қараш шаҳар цивилизациясини (Ж.Ж.Руссо) мутлақ инкор этишга қарши туради. XIX — XX асрларда Германияда антиурбанизм кучайиб, Фердинанд Тённис ва Освальд Шпенглер асарларида фалсафий асосга эга бўлди. Шаҳар ва унинг меъморчилигини ўрганишда маданий-фалсафий ёндашишларни Шпенглерда учратиш мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, Шпенглер шаҳарни эмас, балки ғарб идеалларини танқид қилган. Аммо шаҳар бу қадриятларни ўзида жамлагани туфайли барча танқид табиий ҳолда унинг бошига ёғилади.

— Албатта, бу муаммоларнинг тарихини ўрганиш жуда зарур. Аммо биз катта шаҳарлардаги муаммоларни ўрганишда қайси тамойилларга амал қиламиз? Улардаги муаммолар кичик шаҳарлардагига ўхшашми?

— Антиурбанизмнинг ўзига хос қирралари шаҳарни машина цивилизацияси, янги даврнинг раҳмсизлик рамзи сифатида таъкидлашда кўринади. Баъзи замонавий социологик назарияларда урбанизм жамиятни ҳамжиҳатлик ҳолатига олиб келадиган, унинг маданий, сиёсий ва ижтимоий бирдамлигини шаҳар ҳаёти тарзи ва тегишли шаҳарсозлик сиёсати орқали таъминлаб берадиган сеҳрли куч сифатида ифодалайди.

Хуллас, урбанизм фалсафаси ва унинг қарама-қарши тушунчаларининг қисқача шарҳларидан келиб чиқиб, Биеннале иштирокчилари олдида кенг, деярли чексиз ғоялар манбаи очилмоқда. Улар бадиий талқинларни турли кесимларда амалга оширишлари мумкин.

Биеннале иштирокчилари учун асосий масала шаҳар шарқдами ёки ғарбдами, қаерда жойлашганидан қатъий назар, замонавий шаҳар одамининг фалсафасини, дунёни ҳис қилиши ва ахлоқий ҳаёти муҳитини бадиий талқинда акс эттиришдир.

НИЛ БЎЙИДА АМУДАРЁ КЕЛИНЧАГИ

Куни-кеча Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳрида Экспериментал театрларнинг 21-халқаро фестивали ўз ишини бошлади. Ушбу нуфузли анжуманда Ўзбекистондан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри қатнашмоқда.

— Бундай халқаро театр фестивали ва танловларида нафақат пойтахт театр жамоалари, балки вилоят театрлари ҳам иштирок этишмоқда. Улар ўзбек миллий театр санъати ютуқлари ва изланишларини тарғиб қилиб, умумжаҳон театр санъати оламида алоҳида ўринга эга бўлишга интилмоқдалар, — дейди "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Омонулла Ризаев. — Сўнгги уч йил давомида изланувчан театр жамоалардан бўлган Сурхондарё, Фарғона, Наманган вилоят мусиқали драма театрлари ҳамда Бухоро ва Қорақалпоқ вилоят қўғирчоқ театрлари қатнашиб, театр соҳасидаги янги ютуқларимизни муносиб даражада намойиш этдилар. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишган ҳолда Қоҳира фестивалига қорақалпоғистонлик санъаткорларни тавсия қилдик. Ўйлаймизки, жаҳон театрларининг бу беллашувида Бердақ номидаги театр ижодкорлари қорақалпоқ халқининг маданий турмуши, санъати истиқлол даврида равнақ топаётганини яна бир бор намойиш этадилар.

Ўзбекистон ва бошқа хорижий давлатларда ҳар йили ўтказилаётган халқаро театр фестивалларидан асосий мақсад жамоалар бир-бирларининг ижодий ютуқлари ва бадиий услублари ва ижро мактаблари билан танишиб, ўз санъати ва маҳоратини янада оширишга эришишидир. Шу жиҳатдан театрларимизнинг халқаро анжуманларда иштироки улар учун ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Ҳўш, қорақалпоқ санъаткорлари хорижий томошабинларга қандай асарларини тақдим этадилар? Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрининг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Нажимиддин Ансатбоев бу ҳақда шундай деди:

— Биз бу анжуманда драматург С.Болғабаевнинг психологик драма жанрида яратилган "Энг сулув келинчак" асари асосидаги спектаклни кўрсатмоқчимиз. Театримиз катта йўлни босиб ўтган. У ўз тарихи ва алоҳида бадиий-эстетик йўналишга эга бўлган жамоадир. Фаолиятимизда ўтган асрнинг 20-30 йилларида меҳнат қилган улкан қорақалпоқ ижодкорлари анъаналарига таяниб, халқимизнинг ўзига хос урф-одатларини, удумларини, инсонийлик фазилатларини, айни чоғда уларнинг бугунги кунда амалга ошираётган бунёдкорлик ишларини саҳна асарлари орқали кўрсатиб келмоқдамиз. Ўйлайманки, Қоҳира шаҳрида ўтадиган анжуманда иштирок этаётган Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артистлар Жумагул Соғиндиқова, Бозорбой Назаримбетов, Максет Исимбетов ва бошқа ёш истеъдодли актёрларимиз ўзларининг гўзал санъатларини намойиш этадилар. Халқаро фестивалда совринга эга бўламизми — йўқми, бундан қатъий назар, мақсадимиз ўзбек ва қорақалпоқ театр санъати умумжаҳон театр оламида ўз сўзига эгалигини айтишдир.

Биз қорақалпоқ санъаткорларига омад ёр бўлишини тилаймиз. Фестивалдан сўнг — 21 октябр куни, Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида қорақалпоқ театрининг "Энг сулув келинчак" ҳисобот-спектаклини томоша қиламиз.

А.РАҲИМОВ,
"Ўзбектеатр" бирлашмаси ахборот бўлими бошлиғи.

Қуйида жамоатчи мухбир Шаҳло БАРНОЕВАнинг биеннале қатнашчиларидан бири, рассом Иброҳим ВАЛИХЎЖАЕВ билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Ўзбекистонда биеннале ўн йилдан буён ўтказилмоқда. Бу галги биенналеда қайси асарларингиз билан қатнашасиз?

— Кўргазмада «Бозор» мавзусидаги иккита асарим билан қатнашмоқчиман. Юртимизнинг колорити жуда ранг-баранг. Унинг иқлими ҳам ўзига хос. Одамларнинг кийинишига қараб характерларини билиш мумкин. Чунки ранглар сўзлайди, миллий характерни намоён этади. Буларнинг бари, бозорда, айниқса, яққол кўринади.

— Сиз олдинги тўртта биенналеда иштирок этганмисиз? Шундай бўлса, қайси иштирокчиларнинг лойиҳалари сизга маъқул бўлган эди?

— 3-ва 4-биенналеларда қатнашганман. Менга Корея ижодкорларининг фаоллиги жуда ёққанди. Кўп рассомлар билан танишдик, тассурот алмашдик. Шу кўргазмалар баҳонасида бизга кўп янгиликлар кириб келяпти. Масалан: инстоляция, видео-арт каби тушунчалар. Бизнинг рассомлардан Файзулла Аҳмадалиев, Жамол Усмоновлар жуда фаол .

— Ўзингиз ҳам инстоляцияда ишлаб кўрмоқчи эмасмисиз?

— Ғоялар бор, эскизларим ҳам бор. Имконият бўлганда, «Абадий двигател»ни кўрсатмоқчиман. Лойиҳам бўйича у жуда катта, кўргазмалар залининг биринчи қаватини бутунлай эгаллайди. Аммо бунга кўп маблағ талаб этилади. Умуман, техникага болалигимдан қизиқаман. Рассом бўлмаганимда, эҳтимол, кашфиётчи бўлар эдим.

— Замонавий рассом бугунги кунда нималарга эътибор қаратиши лозим?

— Биласизми, халқ ижодкорлар, жумладан, рассомларнинг орқасидан эргашиши керак. Рассом юрагидагини кўрсата билиши даркор. Унда бир вақтнинг ўзида композиторлик қобилияти ҳам бўлиши зарур. Асаридаги асосий ритмни топиши керак. Чизиқларда, рангларда ритм мавжуд. Ижодкор ҳамиша ўз олдига қийинроқ вазифани қўйиб изланиши лозим. Композиция кўргазма учун эмас, қалб учун яратилсагина, янгиликлар пайдо бўлади.

— «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йили муносабати билан кўпчилик рассомлар жойларда ижодий сафарларда бўлишди. Юртингиз Наманганга қилган сафарингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Тошкентдан тўрт киши бўлиб бордик Яна тўрт киши Намангандан қўшилишди. Ҳаммамиз Чуст туманида бўлдик. Қишлоқ одамларининг ҳаёти, даладаги иш куни, тонг саҳарлаб ишга жўнашларини кузатдик... Янгича колорит, ишлаш учун янги манба.

— Ижодий режаларингиз қандай?

— Янги "Тақдир" кинофилмида постановкачи рассом сифатида қатнашдим. Кино санъати мен учун янгилик бўлгани сабабли, ўзимни бу соҳада синаб кўрдим. Суратга олиш жараёнлари Оқтошда, Қибрайда, Янгийўлда бўлиб ўтди. Олти ой ишладик. Иш жараёнида филмларнинг савиясига таъсир этувчи омиллар кўз олдимда намоён бўлди. Ушбу ижодий ишдан чиқарган хулосам шу бўлдики, режиссёрлар рассомлар билан кўпроқ ишласа, мақсадга мувофиқ бўлар экан. Энди мана шу ижодий сафарда ишлаган этюдларимни аста-секин матоларга кўчириб, яхлит асарлар яратиш орзусидаман.

САНЪАТ — МЎЪЖИЗА

Таклиф

Биз тез-тез Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта театрининг спектакларига тушиб турамиз. Бу саҳнада қўйилаётган ўзбек ва жаҳон опера асарлари, айниқса, балет спектаклларини мириқиб томоша қиламиз.

Яқинда шу театрда жаҳон санъати дурдоналаридан бири, композитор А.Глазуновнинг «Раймонда» балетини томоша қилдик. Ёш ва гўзал қиз Раймонданинг чуқур ички кечинмалари, севгисига садоқати, соф муҳаббат йўлидаги машаққатларга бардоши бизни мафтун этди. Ўйламизки, шу куни театрга йиғилган барча мухлислар балет ижрочиларидан мамнун бўлдилар. Спектаклни фақат пойтахтликлар эмас, чет элларидан келган меҳмонлар ҳам завқ-шавқ билан томоша қилишди.

Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, томошабинлар орасида ўзбек йигит-қизлари, тенгдошларимиз кам эди. Биз XXI асрда — жаҳон халқлари ўртасидаги маданий алоқалар кун сайин ривожланиб бораётган даврда яшалаяпмиз. Ўзини ҳар томонлама комил инсонлар сафида кўришни, ҳақиқий зиёлилар қаторига қўшилишни истаган ҳар бир ёш жаҳон санъати дурдоналаридан ҳам баҳраманд бўлиши, маънавий дунёсини бойитиб бориши керак эмасми! Буюк бобомиз Абу Али ибн Сино ёзганларидек: «Санъат — мўъжизадир. Юрак ва миянинг шундай хилват жойлари борки, унга фақат санъат воситасидагина кириш мумкин». Шу маънода мактаб, коллеж, лицейларнинг ўқувчи ва мураббийлари, талабалар фақат Алишер Навоий номидаги театргагина эмас, пойтахтимиздаги бошқа театрларга ҳам тез-тез бориб туришлари зарур, деб ўйлаймиз

Ширин ҲОСИЛОВА,
Дилдора ТОЖИБОЕВА,
Миллий рақс ва хореография олий мактаби талабалари

“БУГУНГИ ҲОЛАТИМИЗ УЧУН ЎЗИМИЗ АЙБДОРМИЗ...”

Таниқли кино ва театр актёри билан суҳбат

Олег БАСИЛАШВИЛИ:

— Ўтган йилнинг кузида, мамлакат иқтисодиётида айрим муаммолар энди-энди кўзга ташлана бошлаган бир пайтда сиз хавотирланиб, иқтисодий кризис энг аввало оддий одамларга таъсир кўрсатади ва уларнинг санъат билан ишлари бўлмай қолади, деган эдингиз. Аммо катта драматик театр спектакларига бугун ҳам билет топиш қийин бўлиб турибди...

— Демак, мен беҳуда хавотирланган эканман. Аммо кризис, таассуфки, тобора чуқур илдиз отмоқда. Бундай шароитда одамлар ўзларини юпатиб турадиган бошқа бир нарсани талаб қилишмоқда. Ўша “бошқа” нарса бугун санъат, биринчи галда театр бўлиб қолди.

— Маънавий озуқа одамларни ташвишдан халос этиши мумкинми?

— Бутунлай халос эта олмайди, албатта. Аммо қамал кунларида ўғирлик қилмаган, бир-бирларини еб қўйишмаган, ўзларини эмас, болаларининг, яқин қадрдонларининг тирик қолишини ўйлаган иродаси кучли одамларни эсланг. Жаҳаннам азоби шароитида улар санъат билан шуғулланишга, картиналар ёзишга, келажак тўғрисида ўйлашга куч топа олишган. Мана шу ирода туфайли улар омон қолишган.

— Санъаткорнинг ҳаёти адоқсиз гастроллардан иборат, десак муболаға бўлмайди. Кўпинча ҳаётни поезд ёки машина ойнасидан туриб кузатишга тўғри келади. Бундай турмуш тарзи сизга маъқулми ёки тинимсиз гастроллардан жаҳлингиз чиқадими?

— Жаҳлим чиқмаса ҳам шунга яқин бир ҳолатда бўламан. Кўнглим сезиб турибди: Россия аста-аста нодемократик йўлга ўтмоқда. Мамлакат президентининг тўғри баёнотларига қарамай, ижобий силжишларни кўраётганим йўқ. Ижобий силжишлар қачон бўлиши мумкин — қачонки мамлакат парламентида, бошқа жамоат ташкилотларида фикрлар кураши мавжуд бўлса. Кимлиги аниқ ёдимда йўқ, аммо бир киши “Давлат Думаси баҳс қиладиган жой эмас” деган гапни айтди. Бўлмағур гап. Депутатлар ягона мақсад — баҳслашиш учун ҳам Думага сайланишади. Баҳс-торишувлар чоғи ҳақиқат юзага чиқади. Ҳозирча юқоридан келган барча таклифлар парламент томонидан якдиллик билан тасдиқланмоқда...

— Бундан йигирма йил аввал биз бутун вужудимиз билан совет даврига хос ўтмишимиздан халос бўлишга ҳаракат қилган эдик. Бугун бўлса у пайтлари жуда яхши яшаганимизни эслайдиган бўлиб қолдик. Баъзи хотираларда, масалан, Сталинни уддабурон бошқарувчи деб аташгача ҳам бориб етишмоқда.

— Сталинни шундай деб атаётган кишилар, бордию эски замонлар қайтиб келгудек бўлса, лагерларга унинг ўзини эмас, қўшнисини, душманини олиб кетишади, деб ўйлашса керак-да. Йўқ, бундай бўлмайди, энг аввало, бегуноҳ одамлар қаторида унинг ўзини олиб кетишади. Сталин даврида турма ва “психушка”ларга ҳеч бир айби йўқ одамларни тиқишган. “Уддабурон бошқарувчи” эса уларни қул қилиб ишлатган. Электр станциялари, заводлар, темир йўллар — ҳаммасини қуллар қуришган. Қулларнинг меҳнатига асосланган давлат, шубҳасиз, таназзулга юз тутади...

— Шундай экан, нега энди тоталитар тузумдан, турли инқилоблардан азият чеккан руслар бу азобларни унутишмоқда?

— Бугун биз яшаётган тузум, маълум маънода капиталистик тузумга даҳлдор. Бунда ҳар ким ўзи учун ўзи жавоб беради. Ғудраниш ўрнига муаммоларни ҳал қилиш лозим. Россияликлар мана шуни исташмайди. Улар ҳали ҳануз бирорта хўжайин келиб “Мана бу ерни ковла” ёки “Далангга мана буни эк” дея кўрсатма беришини кутиб ўтиришибди. Масъулиятни зиммага олишдан қочиш — ёмон иллат. Биз ҳамон бирорта саҳоватпешага умид боғлаб ўтирибмиз. Бу нарса бизнинг онг-шууримизга неча мингйилликлар давомида сингиб кетган. Инқилобларимиз қандай тугаганига эътибор беринг-а. Олдинга қараб жиддий қадам ташлаймиз, шу билан тўхтаб қоламиз. Масалан, Елцин сайловда ғолиб чиқди, бутун халқ уни, таклиф этган ислоҳотларини маъқуллади, ГКЧПнинг шармандаси чиқди. Кейин нима бўлди, “Борис Николаевич, буёғи энди ўзингизга қолди, марҳамат, янги жамиятни бир қуриб ташланг”, деган ўзимизни четга олдиқ, тамом-вассалом. Борис Николаевичнинг бир ўзи нима ҳам қила олар эди...

— Бугун Товстоногов номидаги катта драматик театрга грузин миллатига мансуб Темур Чхеидзе раҳбарлик қилмоқда. Сизнинг томирларингизда ҳам грузин қони бор. Миллионлаб кишиларнинг томирларида рус, украин, белорус қони аралашиб кетган. Аммо, нега энди бизнинг бу энг яқин қўшниларимиз бизга душман бўлиб қолишди?



— Бунинг сабаби, ҳар биримизда, жумладан, биз овоз бериб сайлаган Россия раҳбарларида ҳам буюк давлатчилик шовинизми сақланиб қолган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Биз бир нарсани унутиб қўяётганга ўхшаймиз — Грузия, Украина, бошқа республикалар эндиликда бизнинг кенжа укаларимиз эмас, улар мустақил давлатлар! Ўзаро мулоқотларимизда буни ҳисобга олишимиз керак. Агар биз ҳақиқий демократия йўлини танлаган бўлсак, иши юришмаётган баъзи республикаларга ёрдам қўлимизни чўзишимиз керак. Ҳамкор бўлиш учун ҳам шундай қилишимиз зарур. Бунинг ўрнига диндош мамлакатлар ўзаро қирпичоқ бўлишса, арзимаган нарсалар сабаб бир-бирларига тиш қайрашса, бундан хунуги йўқ...

Ю. ШИГАРЕВА суҳбатлашди.

“Аргументы и факты” ҳафталигининг 40-сонидан қисқартириб олинди.

“ЭЗГУЛИК БОҒИ”

Фаол ҳамкорларимиздан бири Омонуллоҳ Муталнинг номи газетхонларга яхши таниш. Ёшлигидан адабиётга ихлосманд қаламкашнинг “Ҳикматли дунё”, “Ҳисобли дунё” китобларига кирган эзгу инсоний фазилатлар ҳақидаги туркум қатраларидан намуналарни газетамиз саҳифаларида ўқигансиз. Айниқса унинг “Бир хум тилла” воқеий ҳикояси, гарчи анча йиллар олдин эълон қилинган бўлса-да, ҳали-ҳануз ёдимиздан кўтарилмайди.

Омонуллоҳ Мутал узоқ йиллар давомида Хива хонлиги тарихига қизиқиб, бу борада жиддий илмий изланишлар олиб борди. Бунинг натижаси ўлароқ, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. “Хива хонлиги Оллоқулихон даврида” монографияси “Моваройуннаҳр” нашриётида чоп этилди.

Яқинда “Ниҳол” нашриётида босилган “Эзгулик боғи” шеърий тўплами заҳматкаш, изланувчан олимнинг ўз мухлисларига янги тортиғи бўлди (Муҳаррир Раъно Раҳмонберди қизи, сўнгсўз муаллифи Расул Раҳмонов). Қуйида ана шу тўпламга кирган тўртлик ва туюқлардан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Дилни ром этмаса оҳангмас, куймас,
Ошиқ ошиқ эмас, ғар рашкдан куймас.
Иймони саломат, сабрли кимса
Жаннати инсон у, дўзахда куймас.

* * *

Аёзли қиш ўтар, бошланади ёз,
Дардинг ичга ютма, кўнглинг ёрга ёз.
Юзма-юз айтишга юрак ютмасанг,
Қўлга қоғоз олиб, ёрга нома ёз.

* * *

Маъшуқа хат битар қоғоз қоралаб,
Ошиғи келсайди уни қоралаб.
Интизор бўлди кўп, сабри тугади,
Лек бир сўз демади ёрни қоралаб.

* * *

Ватанни севмоқлик иймондан асли,
Эл-юртим деганнинг кўкарар насли.

Ўзга ўлкаларнинг иссиқ ёзидан
Аълодир юртимнинг аёзли фасли.

* * *

Тўхтаймиз йўлчироқ ёнганда қизил,
Тафаккур қилганга ўгитдир бу, бил.
Ҳаёт фақат олға югуриш эмас,
Гоҳ тўхтаб атрофни кузат, олға юр.

* * *

Дунёда ҳар кимса ўзича ҳақдир,
Қилмишга яраша улуши нақддир.
Не қилса ҳар киши ўзи билару,
Маҳшарда нолийди, шум дея тақдир.

* * *

Машаққат чекмаган довондан ошмас,
Масаллиқ пишмаса таоммас, ошмас.
Осмондан тушмайди кунлик насиба,
Текинга ўргансанг обрўйинг ошмас.

“МИНГ БИР РУБОИЙ”

Республика Фанлар Академияси “Фан” нашриётида чоп этилган “Минг бир рубоий” тўплами (таржимон Э. Очилов, масъул муҳаррир Жаъфар Муҳаммад) ушбу мухтасар жанр ихлосмандлари, айни чоғда мумтоз шеъриятимиз шинавандаларига ажойиб тортиқ бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Тўплам филология фанлари номзоди Эргаш Очиловнинг “Тўрт мисрага жо бўлган олам” сарлавҳали сўзбошиси билан очилади. Дарҳақиқат, тафаккур ва туйғуни ажойиб бир тарзда ўзида омуҳта этган рубоий асрлар давомида Шарқ шеъриятининг етакчи жанри бўлиб келганлиги сир эмас. Бу тўрт қаторли ҳикматда Олам ва Одам муаммоси фалсафий жиҳатдан чуқур талқин этилади. Сўзбоши муаллифи бу тўғрида фикр юритиб, шундай ёзади: “Бу мўъжаз жанрнинг халқчиллиги ва имкониятларининг кенглиги нафақат шоирлар, балки мутафаккирлар, ҳатто тариқат пирлари ва тасаввуф намояндаларини ҳам ўзига жалб этган. Ўзларининг сўфиёна қарашларини тарғиб қилиш учун шеъриятнинг турли жанрларидан фойдаланган мутасаввуф шоирлар ва тасаввуф шайхлари ҳам кўпроқ рубоийга мурожаат қилганлар. Лекин шайх-шоирлар рубоийлари фақат ислом аҳкомлари ташвиқи ва тасаввуф ғоялари тарғибидан иборат бўлибгина қолмай, улар ичида маъшуқа таърифи, ишқий кечинмалар тавсифи, ранг-баранг инсоний туйғулар ифодасига бағишланган, маънавий-ахлоқий мавзудаги, пандномат, насиҳат руҳидаги гўзал ва теран рубоийларни ҳам кўплаб учратамиз”.

Китоб жавонингизга



Тўпламга Абу Али ибн Сино, Маҳастий Ганжавий, Асириддин Ахсикатий, Фахриддин Розий, Амир Хусрав Деҳлавий, Убайд Законий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абу Абдулло Рўдакий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Паҳлавон Маҳмуд, Зебуннисо, Хондамир ва бошқаларнинг ижодидан намуналар киритилган. Чунончи, Абу Али ибн Сино бир рубоийсида шундай ёзади: “Кўк тоқигача ер қаъридан асли азал, Ҳар қанча тугун бўлса ақл айлади ҳал. Ҳар макру фириб бандини ечсам-да тугал, Кўнглимда тугун бўлиб фақат қолди ажал”. Зебуннисонинг мана бу тўрт сатрини рубоийларнинг рубоийси деса бўлади:

Андалиб гулдан кечар, кўрса чаман ичра мени,
Бутпараст бутдан кечар, кўрса бу шаън ичра мени.
Гул ҳиди барчага пинҳон, мен-да сўз ичра ниҳон,
Кимки кўрмоқ истаса, кўрсин сухан ичра мени.

ШАҲАРГА ЖЎХОРИ СЎТАСИ КЕРАКМИ?

Россиянинг “Газпром” компаниясини дунёда шу соҳага даҳлдор кишилар яхши билади. Бунда унинг аҳолини табиий ёнилғи билан таъминлашдаги катта хизматлари билан бирга, кучли молиявий салоҳияти ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бундай ташкилотларнинг, ҳар ҳолда, қўли узун бўлади, унча-мунча муаммони бир имо-ишора билан ҳал қилиб ташлашади.

Русларда “Иштаҳа овқат маҳали очилади”, ўзимизда эса “Эчкига жон, қассобга ёғ қайғуси” деган мақол бор. Кейинги йилларда турли сабабларга кўра дунёда нефт ва газнинг баҳоси ошиб бораётгани “Газпром”чиларни ҳам илҳомлантириб юборганга ўхшайди. Чунки уларнинг Санкт-Петербург шаҳрида баландлиги 400 метрлик “Охта-марказ” биносини қуришга жиддий киришганларидан ва бу ишга 60 миллиард рубль ажратишга тайёр эканликларидан шундай фикр келиб чиқади.

Кўринишидан обдон етилган бўлиқ маккажўхори сўтасини эслатувчи бу бинонинг лойиҳаси матбуотда эълон қилиниши билан шаҳар жамоатчилиги, ижодкор зиёлилар, олимлар, маданият ва санъат арбоблари деярли иккига бўлинишди. Бир томон бу қурилиш шаҳар кўркига кўрк қўшади, саёҳатчи меҳмонлар кўпаяди, шаҳар хазинасига анча-мунча пул тушади, деб ҳисобласа, иккинчи томон “Охта-марказ” худди Москва шаҳрида бўлганидек, Санкт-Петербургнинг тарихий қиёфасига соя ташлайди, аниқроғи, ноёб архитектура ансамбли ўртасида, худди аталадан суяк чиққанидек бўлиб қолади, деб ташвишга тушишмоқда. Баҳснинг жиддий томонларидан бири шундаки, бу қурилиш лойиҳасини инглиз архитекторлари ишлаб чиқишган, россиялик мутахассислар эса мутлақо рад қилишган. Бир гуруҳ таниқли кишилар — Жорес Алферов, Алексей Герман, Даниил Гранин, Александр Сокуров ва бошқаларнинг ушбу маҳобатли қурилишни тўхтатиш тўғрисидаги мурожаатларига ҳозирча шаҳар губернатори Валентина Матвиенко ва “Газпром” раҳбари Миллер бепарво қарашмоқда.

“Охта-марказ” қурилишига қаршилик қилаётганларнинг яна бир хавотири ҳам бор. Яқинда Элба дарёси устига қурилган замонавий кўприк учун Дрезден шаҳри ЮНЕСКОнинг умумжаҳон мероси рўйхатидан чиқарилди. Чунки бу қурилиш шаҳарнинг маркази панорамасини тўсиб қўйди. Демак, шаҳар маъмурлари олдида иккита йўл бор — “Газпром”чилар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ёки ЮНЕСКО рўйхатидан чиқиш...



Чойхона ҳикматлари

Қопоғич ит бировни тишламоқчи бўлса, мансабига қараб ўтирмайди.

* * *

Севги ёш танламайди, мансаб, дала-ҳовли, “дом”, машина танлайди.

НОН

Ёйилганда дастурхон,
Қўйилади аввал нон.
Босмас қанд-қурс, мевалар
Нон ўрнини ҳеч қачон.
Нонсиз дунё қоронғу,
Ўчар кўнгил чироғи.
Олиб кўзга суртайлик,
Тушса ерга увоғи.

БОБОМДАН ХАФАМАН

Кўзгуга қараб
Юзимни кўрдим.
Сочимни тараб,
Термулиб турдим.
Камондек эгик
Қора қошларим.
Қўйилган териб
Зумрад тишларим.
Узук кўзидай
Ярашган бурним.
Бобом сўзидан
Лол бўлиб турдим:
“Пучуғим” деди,
Эркалаб-суйиб.
Мен “Раҳмат” дедим,
Қовоғим уйиб.

БИЗНИНГ ҲИССАМИЗ

Дадам эккан буғдойнинг
Ҳосили хирмон-хирмон.
Қад кўтарди тоғдайин,
Ишга тушди тегирмон.
Майин, қордек оқ ундан
Ойим хамир ийлади.
Ёпиб кулча, ширмой нон,
Бизни роса сийлади.
Асалу қанд ширмой нон,

Ўзим ўқийман

Уни ёпган онамиз.
Аммо айтай, ўртоқжон,
Тандирга ўт ёққан биз.

БУЛУТНИНГ КЎЗ ЁШИ

Ола булут, қора булут
Ўқдек учар осмон бўйлаб.
Беллашмоқда гўё бургут,
Бир-бири-ла пойга ўйнаб.
Яйрар эди қовоқ уймай,
Ўйнаётган бўлса ростдан.
Йиғлаворди бирдам ўтмай,
Уйларини тополмасдан.

Тошпўлат ХОЛМАТОВ

Ўрта Чирчиқ тумани

ЧП “KO`HINUR SHOHJAHON SAVDO” Шайхонтохурского р-на г.Ташкента сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в ООО “KO`HINUR SHOHJAHON SAVDO”

* * *

Адвокатская фирма “PROXIMA LEGAL SUPPORT” (свидетельство от 04.06.2007 г. за реестр. № 53\9-483) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Контактный тел: (+99893) 562-55-84 претензии принимаются в течение 2-х месяцев.

* * *

Утерянный план дома по адресу Яккасарайский р-на, ул. Беш Чинор дом 38 (бывш. Леваневского) на имя Фидельман Галины Михайловны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ**.

* * *

Частное предприятие “ARTUS LUX TRANS” зарегистрированное Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Хамзинского р-на от 12.03.2009 года реестровым номером 002233-07, ИНН -301097259, с момента государственной регистрации деятельность не вела, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Решение о добровольной ликвидации от 13.10.2009 года. Претензии принимаются в течении 1-го месяца по тел: 412-71-12

* * *

Утерянный круглуго печать ООО “MOBILE — PAYMENT” Сабир-Рахимовского р-на **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

* * *

Частное предприятил EKIPAJ UNIVERSAL SERVIS M.Улугбекского р-на, реорганизуется в ООО EKIPAJ UNIVERSAL SERVIS ИНН 206736839 претензии принимаются в течение месяца по тел: 996-89-89

* * *

ООО “INLINE TELECOM SOLUTIONS RU”, зарегистрированное в “Инспекции по регистрации субъектов предпринимательства” при Хокимияте Яккасарайского р-на г. Ташкента за реестровым номером №004750-11 от 13.08.2009г. меняет наименование предприятия с ООО “BEST TECHNOLOGI — RU” (ИНН 301 289 976, ОКОНХ 82000)

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел: 463-00-63.

ООО “BEST TECHNOLOGI — RU” является правопреемником ООО “INLINE TELECOM SOLUTIONS RU” по всем правам и обязательствам.

* * *

Утерянный аттестат 12288 от 30.06.92г выданный СПТУ — 7 Яккасаройского р-на, на имя Турсунова Владислава Талибджановича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянный диплом BN 038404 выданный Toshkent Davlat Texnika Universiteti в 2001г на имя Мамасалиева Улугбека Рахманалиевича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянный гос ордер права собственности на квартиру выданный БТИ Сабир-Рахимовского р-на по адресу! г. Ташкент Себзар д.43 кв 6 на имя Серопова Бахриддина Неъматовича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Тошкент шаҳар А.А.Ходжаева номидаги Дизайнерлик коллежи томонидан 2004 йилда Расульметова Назокат Муратбековна номига берилган КНМ №069561 сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент ш. Чилонзор туманида руйхатдан ўтган “Roison Project Technology” МЧЖ номи “Asrtec Business” маъсулияти чекланган жамиятга ўзгартирилганини маълум қилади. Тел: 370-06-11.

* * *

Утерянный документы на квартиру — план квартиры — гос ордер права собственности на квартиру по адресу Сергели, спутник — 6, дом-17, кв-6 на имя Улукова Николай Балтыковича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

* * *

Утерянный государственный ордер на права собственности на квартиру выданный 5.05.04 года главным управлением Комуника — бельной собетвенности приватизации исполнительного аппарата Хокимията г. Ташкента на имя Медведевой Анны Евгеньевны по адресу ТТЗ — 2, дом 5 секции 22 кв 3,4

* * *

ООО "UMID — ZIYO" зарегистрированное Мирабадским хокимиятом. За № 003359-03. от 28 июля 2008 года по адресу: Мирабадский р-на ул. Файзобод 43 (ИНН 300896278 р/с:20208000404719578001). **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Согласно приказу директора и учредителей от 10.10.2009г) Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента публикации объявления по тел: 172-79-06. код +998931727906

* * *

ООО "DELING FOOD" Сабир-Рахимовского р-на **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** ИНН 206942471 претензии принимаются в течении 2-х месяцев по адресу г. Ташкент С.Рахимовикий р-на ул. Галаба-1

* * *

Утерянный кадастр документы по зданию за № 4 — 534/2004 от 11.10.2004. п на землю за № 0902108026 расположенный по адресу г.Ташкент Хамзинский р-н Паркентский рынок магазин № 25 выданнный на имя Зуфаровой Любов Владимировны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянный план дома (БТИ) на квартиру расположенный по адресу г.Ташкент Ц-5, дом-37, кв-29 выданный на имя Масум Ишан Хваджа **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТИУ томонидан 2008 йилда Юсупов Мақсуд Маҳмудович номига берилган ВN № 346563 рақамли 2132-сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Тошкент вилояти Қибрай тумани “SALAR — G'OFUROV RAVSHAN” ф/х га (ИНН 206797960, ОКОНХ 21362581) тегишли думалоқ муҳр, тўртбурчак штамп йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Утерянный патент №0704535 выданный 13.05.2009 год хокимиятом Хамзинского р-на г.Ташкента на имя Цой Марины Прокопьевны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.** Гувоҳнома рақами 07— 03494.

* * *

ООО “NAMUNA HAMKOR” зарегистрированное за №004415 от 17.12.2008 г. Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Чиланзарского р-на г.Ташкента. М-в Чиланзар, кв-5, дом-22, кв-1 (ИНН 301007179) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Протокол №3 от 12 октября 2009 г. Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования указанного объявления.

* * *

ООО "Alliance Media Line" зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улугбекского р-на г.Ташкента (ИНН 206410019) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ**. (решение собрания учредителей №7 от 16.09.2009 г.) Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления по тел: 233-47-48.

* * *

ТАЙИ томонидан 1991 йилда Қурязов Учқун Қуранбоевич номига берилган ФВН 905847 сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Ташқи Меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан Эрон Ислом Республикаси фуқароси Эҳсан Таленежад Голамреза (паспорт рақами G 2297526) номига 17.01.2009 йилдан 17.01.2009 йилгача берилган № 1703-сонли мехнат хуқуқи тасдиқномаси йўқолганлиги сабали **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбек Миллий Академик драма театри жамоаси драматург Эркин Хушвақтовга падари бузруквори

Болта ХУШВАҚТОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: “ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Қабулхона — 233-52-91 Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 233-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Жамшид МАТЁҚУБОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.20

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4293. Буюртма Г — 948. Хажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 4 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН